

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 75 (1136), 2024 йил 19 апрель, жума



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ЎРТАСИДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 18 апрель куни давлат ташрифи билан Душанбе шаҳрига келди.



Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари нафақат қўшни, балки асрлар давомида қондошу қардош бўлиб, бир булоқдан сув ичиб, бир ҳаводан нафас олиб, ягона осмон остида бунёдкорлик ишлари билан шугулланиб келган, яхшироқ ёмон кунларда елкама-елка туриб, қийинчиликларни энгиб ўтган. Ягона дин, ўхшаш маданият, урф-одат ва анъаналар бир-бирига мустаҳкам боғлаб туради.

Президентларнинг сиёсий иродаси ва узюкни қўлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли кейинги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди, халқларимиз дўстлиги янада мустаҳкамланди.

Пойтахт аэропортида давлатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига faxрий қорувул саф тортди ва икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди. Ўзбекистон Президентини кутиб олишда Тожикистон ёшлари ва ижодий жамоалари вакиллари ҳам қатнашди.

Сўнг Президентимиз “Дўстий” майдонига ташриф буюриб, Исмоил Сомоний ҳайкали пойига гул қўйди.

Душанбедаги “Қасри Миллат” қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг расмий кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига faxрий қорувул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон faxрий қорувул сафи олди-дан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини бир-бирига таништирдилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон тор доирада учрашув ўтказди.

Сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни, ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинуви кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар Марказий Осиёнинг манфаатларини илгари суриш ва унинг барқарор тараққиётини таъминлаш борасидаги сый-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида минтақавий тузилмалар ва халқаро ташкилотлар доирасида конструктив ҳамкорликни бундан буён ҳам давом эттиришга интилишларини тасдиқладилар.

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги тарихий шартноманинг имзоланиши Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларида сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиш экани таъкидланди.

Шу маънода, иттифоқчилик муносабатларининг салоҳиятини рўёбга чиқариш барча даражадаги мулоқотлар натижадорлигини оширишни тақозо этиши қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, охириги йилларда товар айирбошлаш ҳажми 40 баробар ўсди. Қўшма корхоналар сони 15 баробар кўпайди.

Хукуматлар олдидаги товар айирбошлашни 2 миллиард долларга етказиш, шу жумладан, ўзаро махсулот етказиб бериш номенклатурасини кенгайтириш, чегараларда савдо зоналарини тезкор ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Ташриф арафасида Ўзбекистон — Тожикистон бизнес-форуми муваффақиятли ўтказилган бўлиб, унинг якунида янги кооперация лойиҳалари ва савдо шартномаларининг катта портфели шакллантирилди.

Машинасозлик, электротехника, энергетика, қончилик, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва фармацевтика тармоқларидаги ўзаро манфаатли лойиҳалар шулар жумласидан.

Томонлар кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича аниқ режаларни ҳам белгилаб олдилар. Шу мақсадда қўшма Инвестиция компаниясининг салоҳиятидан фойдаланилади.

Маданий-гуманитар алмашинувларни фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди. Кино-отомосалар, концертлар, спектакллар, кўргазмалар ва ёшлар форумлари мунтазам ўтказилиши таъкидланди. Таълим соҳасидаги

ҳамкорликни кенгайтириш, ҳамёнбоп туризм дастурларини ишлаб чиқиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари Президент Эмомали Раҳмонни ўзига қўлай бўлган вақтда Ўзбекистонга ташриф билан келишга таклиф қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Бундан ташқари, давлат раҳбарлари ҳузурда икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Умуман, ташриф давомида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг деярли барча йўналишларини қамраб олунчи 28 та ҳужжат жумладан:

— Саноат соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Саноат мулкни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Фанлар академиялари ўртасидаги илмий ҳамкорлик тўғрисида битим;

— давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари, халқаро автомобиль ва авиация қатновлари тўғрисидаги битимларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида баённомалар;

— Ветеринария ва озиқ-овқат махсулотлари хавфсизлиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— маданий ва туризм соҳасидаги ҳамкорликни, асосан мажмуидидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича “йўл харита”лари;

— Андижон, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Сўғд вилояти, Қашқадарё вилояти ва Хатлон вилояти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар ва 2024-2026 йилларга мўлжалланган “йўл харита”лари ҳамда бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон муштарак

Сувдан фойдаланиш масаларида конструктив ва ўзаро манфаатли мулоқотни давом эттириш масалалари муҳофаза қилинди.

Президентимиз ҳудудлараро ҳамкорлик учун катта салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ташриф доирасида эришилган битим ва келишувларни тўлиқ амалга ошириш муҳимлигини қайд этди.

Транспорт ва транзит ташишлар соҳасидаги ҳамкорлик стратегия йўналиши сифатида кўрсатиб ўтилди. Президентлар бу борада ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтириш ҳамда ҳаво ва темир йўллари орқали ташишларни ривожлантириш, транзит юк ташишлар ҳажмини ошириш учун қўлай шароитлар яратишни қўллаб-қувватладилар.

Томонлар маданий-гуманитар алмашинуви янада фаол қўллаб-қувватлашга аҳдлашиб олдилар.

Замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашишда яқин алоқаларни давом эттириш, Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди. Минтақавий ва халқаро тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга тайёрилик билдирилди.

Йиғилиш давомида Бош вазирлар ўринбосарлари, транспорт, энергетика ва қишлоқ хўжалиги вазирларининг кун тартиби юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Музокаралар якунида давлат раҳбарлари қўшма “йўл харитаси”ни тайёрлаш ҳамда эришилган келишувларни самарали амалга ошириш механизмларини йўлга қўйишга топшириқ бердилар.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Бундан ташқари, давлат раҳбарлари ҳузурда икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Умуман, ташриф давомида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг деярли барча йўналишларини қамраб олунчи 28 та ҳужжат жумладан:

— Саноат соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Саноат мулкни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Фанлар академиялари ўртасидаги илмий ҳамкорлик тўғрисида битим;

— давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари, халқаро автомобиль ва авиация қатновлари тўғрисидаги битимларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида баённомалар;

— Ветеринария ва озиқ-овқат махсулотлари хавфсизлиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— маданий ва туризм соҳасидаги ҳамкорликни, асосан мажмуидидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича “йўл харита”лари;

— Андижон, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Сўғд вилояти, Қашқадарё вилояти ва Хатлон вилояти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар ва 2024-2026 йилларга мўлжалланган “йўл харита”лари ҳамда бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон муштарак

тарихий мерос, маънавий қадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш бўйича самарали фаолияти, шунингдек, биродар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун икки мамлакат маданият ва санъат арбобларининг бир гуруҳига faxрий унвонлар бердилар.

Мамлакатимиз етакчисининг давлат ташрифи доирасида ушбу унвонлар билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тожикистон миллий консерваторияси ректори Мирали Дўстизода, Тожикистон миллий консерваторияси доценти Исмоил Назриев, Тожикистон Хукумати ҳузурдаги Телевидение ва радио қўмитасининг Ф.Шаҳобов номидagi “Шашмақом” ансамбли раҳбари Фурқат Саидзода, Бобожон Гафуров тумани “Шашмақом” ансамбли раҳбари Тўлқин Тожибоев, А.Жўраев номидagi Тожикистон давлат филармонияси “Фалак” ансамбли бадний раҳбари Раҳматулло Хошимов “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” faxрий унвонига сазовор бўлди.

Ўзбекистон миллий музыка санъати институти “Мақом хонандлиги” кафедраси профессори Муножатхон Йўлчиева, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбеков, Ўзбекистон давлат филармонияси “Лазги” ашула ва рақс ансамбли бадний раҳбари Оғабек Собиров ва хонанда Юлдуз Усмоновага “Тожикистон халқ ҳофизини” faxрий унвони, Ўзбекистон миллий академик драма театри директори Ёдгор Саъдиева “Тожикистон халқ артисти” faxрий унвони берилди.

Давлат раҳбарлари faxрий унвонлар нишонларини ўз соҳибларига тантанали равишда топширдилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон олий даражадаги музокаралардан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот билан чиқдилар.

Ўзбекистон Президенти Тожикистон Президентини ва халқига ҳар доимгидек илиқ ва самимий қабул учун дийдан миннатдорлик билдирди.

Томонлар дўстлик ва ишонч муҳитида ўтган олий даражадаги учрашувлар якунларини юксак баҳоладилар.

— Яна бир бор таъкидлайман, Тожикистон Ўзбекистон учун энг яқин, ишончли, асрлар билан синналган стратегик шерикдир. Биродар ўзбек ва тожик халқлари кўп асрлик дўстлик ришталари билан чамбарчас боғланган. Бизни умумий тарих, маданий ва маънавий қадриятлар, анъана ва урф-одатлар бирлаштириб туради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қардош халқларимизнинг туб манфаатларига тўлиқ мос бўлган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши ушбу ташрифнинг чинакам тарихий натижаси бўлгани қайд этилди:

— Бу қадим билан Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик ва иттифоқчиликни чуқурлаштириш бўйича орта қайтмас йўлдан юришга қатъий интилишимизни тасдиқладик. Ушбу муҳим ҳужжат, ҳеч муболагасиз, икки томонлама муносабатларда янги тарихий даврни аналтади, — деди давлатимиз раҳбари.

Савдо ва саноат кооперациясини кенгайтириш ҳамкорлигининг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Кейинги йилларда бир неча ўн қарра кўпайган товар айирбошлаш барқарор ўсиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Икки мамлакат хукуматлари олдида товар айирбошлашни, шу жумладан, учинчи мамлакатлардан импортнинг ўрнини фаол тўлдириб орқали 2 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Кун кеча ўтган бизнес-форумида салмоқли шартномалар ва битимлар тўплами имзоланган ушбу мақсадга хизмат қилди.

Шунингдек, “Ойбек — Фотехобод” чегаралардан эркин савдо зонаси ва “Андархон” савдо-логистика марказини ташкил этиш ишларини жадаллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Олий даражадаги учрашувлар чоғида саноат кооперациясида, энг аввало, икки мамлакат бир-бирини тўлдириб турган анъанавий тармоқларда янги ўсиш нуқталари белгилаб олинди.

Машинасозлик, энергетика, электротехника, металлургия, қазиб чиқариш, тўқимачилик, фармацевтика, агросаноат ва бошқа устувор тармоқлардаги қўшма лойиҳалар шулар жумласидан.

Бундай муҳим лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон инвестиция компаниясининг салоҳиятидан самарали фойдаланилади.

Сув-энергетика соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Трансчегаравий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш соҳасида конструктив ҳамкорликни давом эттиришга тайёрилик билдирилди.

Ҳамкорлиқнинг яна бир стратегик йўналиши — икки мамлакат транспорт-транзит салоҳиятини ошириш учун қўлай шароитлар яратиши.

Йўловчи ва юклар ташиш ҳажмини ошириш, замонавий чегараларни ва божхона инфратузилмасини яратиш бўйича қўшма чоралар кўрилади.

Ҳудудлараро ҳамкорлик салоҳиятини фаол ишга солиш зарурлиги қайд этилди.

Кўргазмалар, театрларнинг ижодий сафарлари, ёшлар ва таълим форумларини мунтазам ўтказиш, спорт дастурларини амалга ошириш, туризм хизматларини кенгайтириш орқали маданий-гуманитар алмашинуви чуқурлаштириш масалалари музокаралардан муҳим ўрин эгаллади.

Томонлар ушбу тарихий ташриф, унинг самарали натижалари ва имзоланган муҳим ҳужжатлар икки мамлакатнинг жадал тараққиётига хизмат қилиши, биродар Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг умумий фаровонлигини таъминлашига ишонч билдирдилар.

Душанбе шаҳридаги “Кўҳи Борбад” санъат саройида Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталари иштирокида “Дўстлик оқшоми” бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон концертни биргаликда томоша қилдилар.

Икки мамлакат санъат усталарининг бундай концертлари халқларимиз ўртасидаги абадий ва самимий дўстликни ифодаловчи яхши анъанага айланган. Зеро, меҳр-оқибатли бўлиш, тинч-тотув яшаш — халқларимизнинг азалий орузи ва самимий интилишидир. Бугун ушбу орзу-интилишлар ҳаётга кўчмоқда, мамлакатларимиз етакчиларининг иродаси ва сый-ҳаракатлари туфайли халқларимиз янада яқинлашди, давлатлараро муносабатлар иттифоқчилик даражасига кўтарилди.

Бу жиҳатлар бугунги концерт дастурида яна бир бор тасдиқланди. Истеъдодли санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқларда халқларимиз маданиятининг бойлиги, ўзига хослиги ва шу билан бирга, муштараклиги ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасида давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Нуқтаи назар

ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ НЕГИЗИ

ОИЛА – ЖАМИЯТНИНГ БОШЛАНҒИЧ ҲУЖАЙРАСИ

Қадимда ёвдан ҳимояланиш учун баланд кўрғонлар, мустаҳкам қалъалар барпо этилган. Бутунги кунимизгача сақланиб келган баъзи истеҳкомларни ўша давр нуқтаи назаридан ишғол этиш имконсиз бўлган. Аммо тарих энг мустаҳкам қалъалар ҳам душман томонидан ақсарият ҳолатларда бир эмас, бир неча мартаба забт этилганидан гувоҳлик беради. Бундай ҳолларда баланд ҳимоя деворлари билан ўралган шаҳарлар “ичкари”дан очиб берилган.

Кўпбал тарихий жангларда ёвга осон мағлуб бўлиш, пировардида мустамлакачилик ва оғир ижтимоий-иқтисодий вазиятларга сабаб бўлган “ичкари”дан очилиш, шубҳасиз, сотқинликдир. Ватани, халқи, ўзи яшаётган кўрғонга хиёнат бир қарашда сотқинлик, кенроқ олиб қаралганда эса ички бўлинишидир.

Ҳозир биз фикр юритмоқчи бўлган мавзунинг бунинг акси — бирик ва ҳамжиҳатлик ҳақида, янама аниқроқ айтганда, жамият бир бутунлигининг асоси бўлган оила тўғрисида.

Оила — кишиларнинг никоҳ ёки қон-қариндошлик ришталари, умумий турмуш тарзи, ахлоқий масъулият

ҳамда ўзаро ёрдамга асосланувчи кичик гуруҳи. “Жамият” ва “оила” тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бу боғлиқлик жамиятнинг оилаларсиз мавжуд бўлмаслиги ҳамда ўз навбатида, оиланинг муайян жамият таркибиде вужудга келиши ва яшовчанлигида кўринади. Оила ҳамда жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатлар икки томонлама алоқадорлик хусусиятига эга. Ҳар бир оила умумжамят талаблари асосида фаолият юритади. Жамият тараққиётининг ривожига эса оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий қиёфасининг шаклланиши даражасига бевосита боғлиқ.

➤ Давоми 3-бетда

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

МОЛИЯВИЙ ТИЗИМНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ

яқин муддатда даромадга яраша буромад асосида ишлашга ўтади(ми?) 4



ЎЗБЕКИСТОН 2030 СТРАТЕГИЯСИ

ЭРКИН ИҚТИСОДИЁТ

ХУСУСИЙ БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Қаҳҳор ЖУМАЕВ,
Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти
етакчи илмий ходими

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 80 фоиздан ортиғи хусусий сектор улушига тўғри келмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига ҳисса эса 52 фоизга тенг. Ушбу рақамлар бизнес ва тадбиркорлик соҳаси иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга эканини намойён этади. Шу боис, бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга устувор йўналишлардан бири сифатида эътибор қаратилиб, соҳанинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари йил сайин такомиллаштирилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 21 февралдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ешлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида ҳам бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар назарда тутилган.

Жорий давлат дастурининг 98 та банди бевосита иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қаратилгани бу борадаги ишлар кўлами ва изчиллигини далил беради.

Хужжатда Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибadorлигини янада ошириш, миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш, рақамли технологияларни ривожлантириш орқали мамлакатни минтақавий IT хабга айлантириш кўзда тутилган. Худудларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, инфратузилма лойиҳаларини барқарор ва узоқ муддатли молиялаштириш

манбалари билан таъминлаш, банк тизимида ислохотларни жадаллаштириш ва банк хизматлари бозори ҳажмини ошириш чора-тадбирлари белгиланган. Монопол соҳаларни бозор тамойилларига изчил ўтказиш, иқти-

содиётда хусусий сектор улушини ошириш ва тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун янада қўлай шароитлар яратиш каби йўналишларда қатор қўшимча қўлайлик ва енгилликлар назарда тутилган.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инвестициявий қўлайлик ва жозибadorлигини янада ошириш вазираси белгиланган. Унга кўра, 2024 йил май ойида пойтахтимизда учинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳамда Хорижий инвесторлар кенгашининг иккинчи ялпи мажлиси ўтказилди. Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида АКШ, Япония, Буюк Британия, Канада, Германия ва Швеция каби давлатларнинг салохиятли компаниялари билан тасдиқланган режа асосида учрашувлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Бундан ташқари, жорий йил давомида иқтисодиётимизга 1 миллиард долларлик грант маблағларини жалб қилиш бўйича келишув-

ларга эришиш (битим ва меморандумлар имзолаш), 309 та йирик ишлаб чиқариш объекти ва қувватини ишга тушириш орқали 36 мингта янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган. Шу мақсадда 41 та истиқболли лойиҳа бўйича дастлабки ҳисоб-китоблар ва лойиҳаолиди хужжатларни ишлаб чиқиш, хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларига тақдимот қилиш режалаштирилган.

Экспортни рағбатлантириш ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг қатор фармони ва қарорлари билан янги вазибалар, чора-тадбирлар белгиланди. Бу эса соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур жараёнда “Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури ҳам ўз ўрнига эга. Ушбу дастур юртимизда экспорт ривожига ўзинга хос туртки бўлмоқда. Жумладан, 2023 йилда республика экспорти (маҳсул экспорти) 16,2 миллиард долларни, ўсиш 104 фоизни ташкил этди. Ҳозирги кунда дастури кенгайтириш, унда қамраб олинмаган корхоналар сонини 500 тага етказиш бўйича тегишли чоралар кўриломоқда.

Жорий йилда ҳам миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш ҳамда товар ва хизматлар экспорти ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қатор вазибаларни бажариш назарда тутилган. “Экспорт акселератор” дастурини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш, “Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури

асосида миллий брендларни хорижий бозорларга олиб чиқиш шулар жумласидан. Янги халқаро стандартларни амалиётга киритиш ҳамда 822 та корхонада халқаро стандартларни жорий қилиш орқали экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини ошириш, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан Ўзбекистон маҳсулотлари учун сертификат, бож ва йиғимларни юмшатиш бўйича музокаралар ўтказиш вазибалари белгиланган.

Юртимизда хизмат кўрсатиш соҳаси юқори суръатларда ривожланмоқда ва аҳоли бандлигини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда. Жорий йилда бу йўналишдаги ишлар янада кенгайтирилди.

Хусусан, ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп туманларда замонавий хизматлар ривожлантирилади, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 мингта савдо-сервис объекти ташкил этилади. Шунингдек, аҳоли гавжум кўчаларда савдо, сайилгоҳ ва маншай-кўнчиловлар хизматларини ривожлантириш учун бўш ер майдонлари аукцион савдоларга чиқарилади. Янги хизмат кўрсатиш объектиларини ташкил этиш учун 2,2 мингта ер (лот) майдони ҳам аукцион савдоларга кўйилди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида туризмнинг ўрни тобора кенгаймоқда. Мутахассислар таъкидлашчи, туризмдан топиладиган даромаднинг 30 фоизи одамлар қўлига иш ҳақи бўлиб қайтади, саноатда ва бошқа тармоқларда бу 10 фоиздан ошмайди. Яратилаётган ҳар бир янги иш ўрни бошқа тармоқларда яна 2 та иш жойини ҳосил қилишга имкон беради.

Ана шу жиҳатлардан келиб чиқиб, давлат дастурида иқтисодий тараққиётни таъминловчи асосий шартлардан бири сифатида ташқи ва ички туризмни янада ривожлантириш учун кенг шароит яратишга алоҳида аҳамият берилган. 2024 йилда хорижий сайёҳлар сонини 10,5 миллионга, туризм хизматлари экспортини 2,5 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Жумладан, тиббиёт ва таълим туризми экспорти йилга 200 миллион долларга етказилиб, бунда хорижий давлатларда Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, “меҳмонхона — транспорт — туруператор — савдо ва сервис” корхоналарининг кооперацияси асосида фаолият юритиладиган 4 та йирик туризм кластери (мажмуасини) ташкил этиш ва бу орқали худудларда 600 та янги меҳмонхона, меҳмон уйлари ва хостеллар ташкил этиш режаланган.

Шу билан бирга, дастур доирасида Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари туман ва шаҳарларини боғловчи “Олтин водий сайёҳлик ҳалқаси”, Хоразм ва Қорақалғонистон

бўйлаб “Қалъалар ҳалқаси” каби янги туристик йўналишлар ташкил қилинади. Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантириш бўйича қўрилатган бундай чора-тадбирлар тадбиркорлик имконияти кенгайтириш ҳамда иқтисодиёт юксалишига хизмат қилади.

Банкларнинг кредит сиёсатини ислох қилиш ҳам давлат дастурида назарда тутилган муҳим вазибалардан бири. Хусусан, банкларда тижорат кредитлари фоиз ставкасини 2-3 фоиз камайтириш, “яшил кредитлар”ни жалб қилиш ва молия бозорини тартибга солишда ESG (Environmental, Social, Governance) тамойилларини жорий қилиш лозим. Шунингдек, муаммолни кредитларнинг олдини олиш ва салмоғини камайтириш мақсадида банклар кредит сиёсатига ўзгартириш киритиш, кредитлаш мезонлари (иқтисодий асослангани, қарз юки ва таъминотига қўйилган минимал талабларни) қайта қўриб чиқиш белгиланган. Ўз навбатида, банкларда кредит фоиз ставкалари камайтирилиши тадбиркорлик субъектлари учун муҳим ижобий ўзгариш бўлади, уларга маблағларини тежаш ва даромадини кўпайтириш имконини беради.

Давлат дастури доирасида худудларда саноат соҳасини ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган. Худудлар имкониятидан келиб чиқиб, хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш учун янги инвестициявий лойиҳа тақлифлари тайёрлаш лозим. Бунда худудларнинг мавжуд ҳолати салоҳияти ва имкониятини чуқур таҳлил қилиш орқали йирик, ўрта ва кичик лойиҳалар рўйхатини шакллантириш, консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда бизнес-режалар ишлаб чиқиш керак. Янги лойиҳа тақлифларини хорижий ва маҳаллий инвесторларга тақдим қилиш ҳамда уларни ишга тушириш бўйича амалий ишларни бошлаш шулар жумласидан.

Худудларда саноат тармоғини ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига қимматбахо, рангли, ноёб металллар ҳамда нуруда кон ва участкаларига (жами 200 та) ер қарибдан фойдаланиш учун рўқсатномаларни шифоф механизмлар асосида онлайн аукцион орқали тақлиф этиш назарда тутилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, давлат дастури доирасида бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича назарда тутилган чора-тадбирлар тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш, иш ўринлари яратиш ҳамда хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларни янада мустақкамлашга хизмат қилади. Буларнинг барчаси пировард натижада мамлакат иқтисодиётининг тараққиёт этишига ижобий таъсир кўрсатади.

Меҳрли сиёсат

Зухра Жуманиёзова турмуш ўртоғи ва 4 фарзанди билан 12 йил ижарада яшади. Бир топгани бирига етмай, ҳаёт зарбаларидан қаттиқ қийналди. Боз устига, катта қизи II гуруҳ ногирони, унинг ёнидан бир қадам чиқиси қийин. Турмуш ўртоғи Аҳмед Калиллаев билан нималар қилмади дейсиз. Россияда ишлашди. Фарзандлари ҳам шу мамлакат мактабларида ўқиди. Бироқ бири икки бўлмади. Топгани кундалик турмушдан ортмади.

секин юрадиган бўлдим. Худо нолаларимни эшитган бўлса керак, ушбу шаҳарчадан бир хонали уй беришди.

Насиба сингари ногиронлиги бор 38 инсон ижтимоий шаҳарчадан бошпана топди. Ижтимоий шаҳарчани айланб юрибмиз. Атрофдаги ям-яшил дарахлар, чиройли гуллар баҳри дилингизни очади. Қуёш нури чарақлаб, оламга ёруғлик ва яхшилик тарамоқда. Шу ерда яшаётган инсонларнинг юз-кўзларидан шўқроналик, ҳаётдан мамнуликни илғаш қийин эмас.

Қизларгул Сапарова II гуруҳ ногирони. 12 ёшида автоалоҳатга учраб, икки оёғидан айрилиб қолган. 20 йил мобайнида азобда яшди. Меҳр-муруват ёрдами туфайли оёғига эндопротез қўйилди.

— 2022 йил март ойида менга ҳам меҳр шаҳарчасидан бошпана беришди. 20 йил чеккан азобларим бир зумда унут бўлди, — дейди Қизларгул Сапарова. — Орамида яхшилар кўп экан. Шу боис бўлса керак, элимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Халқимиз меҳр-муруватли.

Шаҳарчада Хўжайли тумани камбағалликни қисқарттириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими билан шартнома асосида иш-

КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ КЛАСТЕРИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Хўжайли туманида барпо этилган ижтимоий шаҳарча Зухра сингари 300 дан ортиқ кишининг мушуқлини оsonлаштирди.

— Ҳаёт инсонни турли йўللار билан синаб кўраб экан. Фақат яхши ният қилиб, олдинга интилиш керак. Ҳозир ўз уйимиз бор. Иссиқ ва совуқ сув, электр энергияси, газ — барча шароит мўжассам, — дейди Зухра Жуманиёзова. — Фарзандларим ёнимиздаги мактабда ўқияпти. Ижтимоий шаҳарча раҳбарияти 1 сотихли иссиқхона берди. Шунингдек, товуқ боқиш учун катта ҳам қўйиб беришди. Иссиқхонада йил давомида ҳар хил кўкатлар экиб, қўшимча даромадга эга бўлялмиз. Шу билан бирга, буюртма асосида кўрпача тикаман. Нон пишириб сотаман. Яқинда бузоғимизни сотдик. Энди катта соғин сизир олмоқчимиз. Бунинг барчаси меҳнатимиз натижаси. Яхши яшаса бўлар экан...

Хўжайли туманидаги “Саришунгул” овул фуқаролар йиғини худудида жойлашган ижтимоий шаҳарча ҳар қандай кишини бир қарашдаёқ ўзига жалб этади. Бу шаҳарчада неча йиллар давомида азоб-укубатларда, сарсон-саргардон бўлиб қийналган юракларга таскин топиладиган кўйи.

Ижтимоий шаҳарчада бугунги кунда 130 оила макон топган. Эски муруват уйи қайта таъмирланиб, 8 миллиард сўм эвазига ҳар томонлама қўлайликларга эга шаҳарчининг барпо этилганига икки йил бўлди. Боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор шахслар, уй-жойга муҳтож кам таъминланган оилалар давлатимиз меҳр-муруватини ҳис этиб яшамоқда.

— Шаҳарчамизни камбағалликдан чиқариш кластери деб атасак ҳам бўлади, — дейди ижтимоий шаҳарча директори Омонгул Абдижамилова. — Бу ерда ёрдамга муҳтож оилаларга ҳар томонлама кўмак бериш учун барча шароитлар



яратилган. Жумладан, шифокор, ҳамшира, психолог сингари жами 39 ходим фаолият юритади. Шунингдек, шаҳарчамизда ижтимоий дорихона, озиқ-овқат дўкони, тикув фабрикаси, иссиқхона ва товуқхоналар бор.

Шаҳарчадаги Насиба Абдуллаева хонадониди бўлди. Хона кичкина, лекин саранжом-саршта. Салом-алиқдан сўнг суҳбатимизни давом эттирдик.

— Ижтимоий шаҳарчага келганимизга икки йил бўлди. Бизни жуда яхши қарши олишди. Барча шароитлар мавжуд. Камчилигимиз йўқ. Олтинчи синфда ўқийдиган қизим билан бирга яшаймиз, — дейди II гуруҳ ногирони Насиба Абдуллаева. — Олдин ота-онамнинг уйида яшардик. Тўшакка микланиб қолган эдим. Жарроҳлик амалиёти орқали оёқларимга протез қўйишди. Аста-

сиз ёшлар учун мономарказ ташкил этилган. Шунингдек, Бухоро вилояти тадбиркорлари томонидан ҳар бири 1 сотихли иссиқхоналар қўриб берилган. Ушбу иссиқхоналар қўшимча даромад топишга имкон бermoқда.

Иртимизда муҳтож инсонларга меҳр-муруват кўрсатиш, бугунги кундан рози бўлиб яшати учун барча зарур чоралар кўриломоқда. Зеро, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни, аҳоли учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма бўлиши, малакали тиббий хизмат, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизимини яратиш бериш олий мақсадимиздир.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Янгича ёндашувлар

“САЙХУНОБОД ТАЖРИБАСИ”: ОИЛАЛАРГА ФАРОВОНЛИК ОЛИБ КИРАЁТГАН ТАШАББУС

Ховлисидидаги асалари қутиларини кўздан кечираётган Наимжон кимдир чакираётганини эшитиб, дарвоза томон йўл олди. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчисини кўриб, унга пешвоз чиқди. Салом-алиқдан сўнг ҳоким ёрдамчисини туманда “Сайхунобод тажрибаси”ни жорий этиш бўйича амалий ишлар қилинаётганини айтиб, бу тизим ҳақида маълумот берди ва унинг келгусидани режалари билан қизиқди.

Наимжон бир неча йилдирки асаларичилик билан шуғулланади. Дастлаб иккита асалари қутиси билан иш бошлаган бўлса, ҳозир йигирмадан ошди. Даромади ҳам ёмонмас, оиласини боқиб, тирикчиликка этиш турибди. Бир-икки йилдан буён ҳовлисидида 5 сотих ерга иссиқхона қуришни мақсад қилган, аммо етарли маблағи йўқлиги сабабли ортага сурилиб келмоқда.

Ҳоким ёрдамчисига шу режасини айтиб, бу амалга ошса, томорқасидан янада самарали фойдаланиб, кўпроқ даромад топиш имкони берилишини маълум қилди. Ҳоким ёрдамчисини ёндашганга нималаридир қайд этиб, у билан хайрлашиб кетганида Наимжон бу масала тез фурсатларда ижобий ҳал бўлишини кутмаганди. Эртасига туманга бириктирилган банк ходими у билан учрашди ва иссиқхона қуриш учун имтиёзли кредит ажратилгандан сўнг ишлар бошланиб кетди. Айни вақтда 5 сотихли иссиқхона тайёр бўлиш арафасида.

Карманлиқдан азалдан деҳқончилик ҳадисини олган. Бир парча ердан ҳам унумли фойдаланиб, бир йилда икки-уч марта ҳосил олади. Туман ахли нафақат томорқадан, балки чорвачилик, асаларичилик ва балиқчиликдан ҳам яхши даромад топади.

Айни вақтда ушбу тизим асосида Кармана туманидаги 43 та маҳаллани ишчилик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш, томорқадан йилга ўртача 60-70 миллион сўм даромад топиш бўйича намуна яратиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Жараёнда ҳар бир маҳалладан даромадди меҳнат билан шуғулланишга иштиёқи, имконияти холи бўлган, кам таъминланган 5-7 тагача хонадон таллаб олинмоқда. Ҳозиргача 300 га яқин шундай хонадонга худуддаги етакчи тадбиркорлар бириктирилиб, иссиқхона, чорвачилик, асаларичилик, қўнчилик, балиқчилик каби йўналишларда фаолият бошлашга кўмак кўрсатилмоқда. Маҳаллалар “Бир

маҳалла — бир маҳсулот” тамойили бўйича ҳам ихтисослаштирилмоқда. — Тумандаги ҳар бир маҳаллада “Сайхунобод тажрибаси”ни жорий этиш ишлари давом этапти. Аҳоли даромад топиши учун хонадонлар ўрганилиб, иссиқхона ва бошқа йўналишларда иш бошлашга кўмаклашилмоқда. Бунинг учун тижорат банкларидан масъуллар бириктирилган. Фуқароларга нақд пул кўринишидаги имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Қувончлиси, бу тажриба қисқа фурсатда самарасини беришти. “Сайхунобод тажрибаси”нинг мазмун-моҳияти, афзаллигини тушуниб, англаб етаётган фуқароларнинг ўзи ҳам қизиқиш билдириб, ташаббус кўрсатапти, — дейди Кармана тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Шерзод Зайниев.

Тумандаги Нарпай маҳалласи иссиқхоначилиги ихтисослаштирилган. Хонадонларда 2, 3, 4 сотихли иссиқхоналар мавжуд бўлиб, асосий драйвер гулчилик ҳисобланади. Ушбу маҳалла ерлари нисбатан шўр ва тошлоқ. Шундай бўлса-да, ер билан тиллашаётган хонадон соҳиблари мавсум олдидан ерга зарур ишлов бериб, ўғит билан озиклантирилади. Бу эса ҳосилдорлигини оширмоқда.

Ёқуб Эшонқулов хонадониди ҳам айни вақтда гулларнинг 40 дан ортиқ тури парваришланмоқда. Иссиқхонада ёмғирликти суғориш технологиясини йўлга қўйилгани су тешади, гуллари самарали озиклантиришга қўл келмоқда. Айни вақтда хонадон эгалари “Сайхунобод тажрибаси” асосида фаолиятини кенгайтиришни мақсад қилган.

— Банк ходимлари хонадонимизга келиб, имкониятларимизни ўрганиб, имтиёзли кредит бераётган бўлса, бундан бошқа яна қандай шароит керак?! Фақат инсон боқимида бўлмаслиги лозим. Шунда даромади ҳам, ҳаёти ҳам яхши бўлади, — дейди Убайдилла Исमतов.

Ҳозир туман маҳаллаларидаги ҳоким ёрдамчилари “Сайхунобод тажрибаси” асосида “1 сотих томорқадан камида 1-2 миллион сўм даромад” мезонини бўйича аҳоли учун бизнес-режалар ҳам ишлаб чиқмоқда. Жумладан, Пахтаобод маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Зухриддин Сайфиддинзода ёрдамчиси билан 22 нафар ёшга 7 гектар ер ажратиб берилди. Айни вақтда бу ерда кунгабоқар ва тарвуз этиштиришда ёшларга кўмак бериш учун Наманган вилоятининг тажрибали мутахассислар жалб этилган.

Туманда “Сайхунобод тажрибаси”ни жорий этиш бўйича маҳаллаларга бириктирилган тижорат банклари мутасаддилари жойлардаги ҳоким ёрдамчилари кўмағида сараланган хонадонларда даромад манбаини яратиш, томорқа маданиятини шакллантириш, сабзавот-полиэ маҳсулотлари етиштириш, кўчат ўтказиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, қолаверса, аҳолига савдо ва хизмат кўрсатиш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш ишларига маъсۇл соҳиблари.

Биргина Арабхона маҳалласига бириктирилган банк ходими кўмағида 7 та эҳтиёжманд оилалар чорвачилик, асаларичилик, қўнчилик, балиқчилик каби йўналишларда фаолият бошлаш учун 250 миллион сўм кредит ажратилди.

Шунингдек, ушбу маҳалладаги Аҳмад Бобоқулов хонадонидидаги 10 сотих томорқада “Сайхунобод тажрибаси” асосида 7 та иссиқхона қурилади ва картошка, сабзи, помидор, бодиринг, булғор қаламғи каби бир неча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экилди. Ушбу тажриба жорий этилиши бошлангандан буён маҳаллада иссиқхоналар сони 87 тага кўпайди, 20 та хонадонда асаларичилик йўлга қўйилиб ва 130 фуқарога қўшимча даромад учун 24 гектар ер ажратиб берилди. Муҳими, туманда бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Нуқтаи назар

ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ НЕГИЗИ

Оила — жамиятнинг бошланғич ҳужайраси



Исmoil САИФНАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бета

Халоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарм-ҳаё, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади. Оила жамиятнинг бошланғич ҳужайраси, ўғил-қизларнинг ахлоқи, маданий даражаси, қобилияти, ақл-заковати, фикр юритиши, ҳаёллари, мулоқоти, хулқ-аъвори, эътиқоди ва илмий дунёқарши қабиларга юқори даражада тарбиявий таъсир кўрсатиши имкониятига эга бўлган нурдир.

Оила ҳаёт абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажакда қандай инсон бўлиб етишишга бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи. Ўзбекистон таълим тармақларида, инсоннинг ҳаёти ва турмушида, айниқса, ёш авлоднинг камол топишида, ахлоқий воғна етишида оиланинг ўрни ва вазифаси муҳимлиги аксиома. Бу жараёнинг тугал ечими оила таъсиридан ташқари қўлга келмайди.

Бола туғилганда бошлал оила муҳитида яшайди. Оилага хос аъналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади. Чунки, ижтимоий борлиқнинг оилалар зиммасига қўядиган талаблари улар манфаатларига зид бўлмас, аксинча, оилалар фаровонлиги, тинчлигини таъминлашга ёрдам берса, оилалар томонидан ижтимоий талаблар қўллаб-қувватланиши, уларнинг амалдаги ижросини таъминлаш кўрсаткичи шунча юқори бўлади.

Шу боис, мамлакатимизда жамиятнинг муҳим бўғини саналган оиланинг ижтимоий негизини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Унга асосан, миллий қадриятларимиз, никоҳ ва оила муқаддаслигини таъминлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилашга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилади. Бу бежиз эмас. Чунки бутунги кунда миллий аъна ва қадриятларимизни менсимаслик, миллий ва диний қадриятларни ўзгача бўлган ёт халқлар ҳаётидан кўр-кўрона андаза олиш, “оммавий маданият” таъсирига берилиш юртимизда асрлар давомида шакланган оилавий муносабатларга путур етказмоқда. Бундан ташқари, айрим ёшларнинг оила, никоҳ масаласига

бўлса ҳам бундай миллат дунёда узоқ яшай олмайдди. Шу нуқтаи назардан, оила, аёл ва фарзандларимиз масаласи доимо давлатимиз эътиборида.

Давлатимиз раҳбари маҳаллий кенгашлар депутатлари жойларда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари устидан чинакам депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатилиши лозимлигини бот-бот такрорлаб келаяпти. Бу борада қатор ташаббусларни илгари сурияпти. Худудларга таширфлари давомида аҳоли турмуш сифатини яхшилаш, саноатни ривожлантириш, ҳудудлар инфратузилмасини янада такомиллаштириш, эркин ва кичик саноат зоналари, технопарклар ташкил этиш борасида қатор тавсиялар бериш билан бирга оилалардаги аҳвол, муаммо, аёлларнинг таъбири ва қувончи билан ҳам жиддий қизиқашти. Буларнинг ортида оилалар келажакни яхшилаш истағи яширин, десак хато бўлмас.

Президентимиз ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам оила мавзусига алоҳида тўхтади. Йиғилишда вояга етмаган қизларни унаштириш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ билан боғлиқ, келажак авлод саломатлигига салбий таъсир қилаётган ҳолатларнинг олдини олиш, бунинг оқибатларини тушунтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётгани айтиб ўтилди.

Кейинги йилларда оила ва хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатлари, аёлларни зўравонлик ва таъзиядан ҳимоя қилиш тизими анча кучайтирилди. Лекин бундай ҳолатлар ҳали ҳам учраб турибди. Зўравонликка учраган хотин-қизлар реабилитация билан етарлича қамраб олинмагани ҳам айни ҳақиқат. Шунинг учун аёллар ва болаларни таъзия ва зўравонликдан ҳимоялаш бўйича маҳалла даражасида алоҳида тизим яратилиши керак. Таъзияга учраган аёллар реестри тузилиб, уларга маҳаллада тезкор комплекс хизмат кўрсатилади. Ҳар бир туман шифохонасида зўравонликка учраганларга тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатиш учун туну кун ишлайдиган хоналар ташкил этилади. Қийин вазиятдаги ёш оналарни қўллаб-қувватлаш учун “Оналар маскани” хизматини йўлга қўйиш топширилди.

Оила масаласига бу қадар жиддий эътибор замирида бутун дунё оила институтини инкирорлаш, хусусан, никоҳлар беқарорлиги, ажрашиллар сони ортиши, никоҳсиз туғилишлар кўпайиши, оилавий ҳаёт ва фарзанд тарбиясига тоқатсизлик каби муаммолар турибди. Бундай муаммолар миллиятнинг маънавий таназзулига сабаб бўлиши мумкинлигини олимлар илмий жиҳатдан асослаб берган. Абдурауф Фитрат бу борада аниқ ва тиниқ фикрларни бизга мерос қилиб қолдирган: “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати албатта шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик ана шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва музаам бўлади”.

Демакки, ижтимоий ҳаётдаги энг долзарб муаммолардан бири оилалардаги ажрашиллардир. Таъхилларга кўра, оилавий ажрашиллар кўрсаткичлари ўтган йиллардагига нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Қашқадарь, Бухоро, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида камайган бўлса, Фарғона (10,2 фоиз), Андижон (14,9 фоиз), Хоразм (7,4 фоиз) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (5,2 фоиз) ортган. Никоҳдан ажрашил сабаблари ўрганилиб тахлил этилганда, 16 фоиз ҳолатда никоҳланувчиларнинг оилага тайёр эмаслиги, 12,3 фоиз ҳолатда фарзандсизлик, 15 фоиз ҳолатда учинчи шахс аралашуви, 12,2 фоиз ҳолатда узоқ вақт бир оила бўлиб яшамаслиги, 5,9 фоиз ҳолатда молиявий ва моддий қийинчиликлар ҳамда 2,7 фоиз ҳолатда хиёнат сабаб бўлган.



аввало, фарзандларнинг чиройли муҳитда ўсиши, камол топиши ва улар баалоғатга етганида оилага тайёрлигини муҳим аҳамият касб этади. Оилавий ажрашилларнинг сабаблари юзасидан ўтказилган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар муаммо аксарият ҳолларда маънавий даража, психология ва тарбияга боғлиқ эканини кўрсатади. Аччиқ ҳақиқат шунки, баъзи ёшлар оила қуришга тайёр эмас. Шу билан бирга, аксарият қайноналарнинг ҳам оила фохосида илми, тажрибаси йўқ, ташқаридан келган бир қизга қандай муносабатда бўлиши билмайди. Яхшиям маҳалла бор, жамоатчилик бор.

Статистик маълумотларга кўра, бугун маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари, жамоатчилик вакиллари низо бошланаётган оилаларга к-

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома олиш, мерос ҳуқуқи, боғчага, таълим муассасасига қабул қилиш масалаларида қанчадан қанча муаммолар юзга келади. Энг ёмони, бундай болалар руҳан кемтиклик, турли маънавий нуқсонлар билан вояга етади. Улар ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзосидан деб ҳис эта олмайдди.

ФХДБ рўйхатидан ўтмаган оилаларда ажрашил кўплиги ва бундай ҳолларда аёллар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаётганига гувоҳ бўляпмиз. Натияжада қонунга зид қурилган оилалар пароканда бўлиб, болаларнинг тир-кириги айлангани каби нохуш ҳолатлар кўпаймоқда. Жамиятдаги ҳар бир соҳа ва кўламли ҳар бир ушбу соҳа ва ҳаракат қонун билан тартибга солинади. Қонунга бўйсунмиш мажбурият, қонун олдида барча бирдек

шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриб боради. Бундай тажриба мамлакатимиз тарихида кузатилмаган.

Бугунги кунда ҳам қариндошлар ўртасида никоҳ, шунингдек, қизларни эрта узатиш ҳолатлари кузатилаётгани ва бу салбий оқибатларга олиб келаётгани ушбу масалага янада тереяроқ назар ташлаш, янада маъсулият билан ёндашиш лозимлигини кўрсатади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида қатор ишлар қилинади. Эрта оила қурган шахслар, шунингдек, бунга йўл қўйган ота-оналар, таълим ва диний муассаса ходимлари жавабгарликка тортиломоқда. Оила кодексини, Маъмурий жавабгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексига никоҳ ёши тўғрисидаги қонун талабларини бузганлик, яъни никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга, эрта бериш ёки уйлантириш, шунингдек, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш учун жавабгарликни белгиловчи нормалар киритилди. Негаки никоҳга қадам ташлаётган ҳар бир йигит-қиз, биринчи навбатда, оилага ҳар томонлама, яъни жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғломлиги, келажакда ота-она бўлиш, фарзанд тарбияси билан шуғулланишга тайёрлигини обдан ўйлаши зарур. Бугун айрим ёшларимизнинг оила қуришга тайёр бўлмаган, эрта турмуш куриши оқибатида ҳатто қариндошлар ўртасидаги никоҳлар ҳам ажрашишга сабаб бўлмоқда. Эрта никоҳнинг олдини олиш учун ёшларга, биринчи навбатда, соғлом бўлиш зарурлиги, касб-хунари бўлиши, етук мутахассис ўлароқ ота-онани, ватанига хизмат қилишни ўргатишимиз лозим.

Судларнинг никоҳдан мuddат бермасдан ажратилиш ҳолатлари деярли учрамайди. Бунинг ҳам салбий жиҳатлари мавжуд. Хусусан, эр хотинни мунтазам уриб, оғир тан жароҳати етказиб, жиноятда жабрланувчи бўлса ҳам уларга муносабат берилар ёки давоси рад этилар эди. Оқибатда жиноятдан жабр кўрган аёл яна таъзия ва зўравонлик остида яшашга мажбур бўлади. Энди бундай ҳолатда маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг асослантирилган хулосаси билан суд ишчи соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиб, жабрланувчининг талаби билан мuddат бермасдан ажратилишга йўл қўйилади. Бу ҳам зўравонликка учраган хотин-қизлар ҳуқуқларини давлат ва суд томонидан самарали ҳимоя қилишнинг муҳим воситасидир.

“Кўш уясиди кўрганини қилади” деган нақл бор. Ўз навбатда, оилада шаклланиб келаятган ҳар бир инсон жамиятнинг асосий бўлиши экани, у эртага келажак пойдевори бўлиши лозимлиги оилада сингдирилиб, уқритиб борилади. Бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган давлат шаклланиб жамият мезонлари экани яна бир бор исботланмоқда. Оилани мустаҳкам ушлаб туриш, келажак авлодини беуқсон тарбиялаш бевосита оналаримиз, аёлларимиз, хотин-қизларимизга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шундай экан, биз, аввало, маънави етук, ақлан соғлом, фикратини сийратиди дадиллик ўфуриб турадиган, қатъият ва сабр-матонатли қиз тарбия қилмоғимиз, уларни турли тўфонлардан гул каби асраб-авайламоғимиз лозим.

Миллий қадриятлар асосида камол топаётган қизларимизни илмли қилиш, уларни турли соҳаларда ўқитиш, касб-хунарга эгаллаштириш, аввало, ўзини, оиласи учун пойдевор бўлса, иккинчи томондан, жамиятда соғлом фикрловчи шахсларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Оилада ҳам, жамиятда ҳам ҳар доим эркак киши етатки эканини англаган ҳолда гендер тенглик тамойили асосида етишиб чиқаётган кадрларимиз кўпайиши давлат ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки биз ўз гуруруи шаънини ҳимоя қила олган Тўмарислар, ақл-заковатда тенгсиз бўлиб, Темурийлар салтанатининг асосий

тирғаги, маслаҳатгўйи бўлган Бибиҳоним, ўз вафосино садоқати билан дунёни дол қолдирган Нодиро Увайсийлар авлодимиз. Шунинг англаган ҳолда оила ва унинг моҳияти, ҳар томонлама равақи ва жипслигини таъминлаш, оилаларга эътибор халққа, миллатга, келажакка эътибор эканини ҳар биримиз теран тушунишимиз зарур.

Мамлакатимизда оила масаласига давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида қаралади. Бунинг янги тахрирдаги Конституцияда оилага алоҳида боб ажратилганида ҳам кўриш мумкин. Биздан фарқи ўлароқ, кўпала давлатлар ўз конституцияларида оила масаласига қисман ўрин ажратган бўлса-да, унга алоҳида боб ажратилгани кузатилмаган. Мазкур ёндашувнинг ўзбек Конституциясида оилага “жамиятнинг асосий бўғини” мақоми ҳамда “жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи” бежиз киритилмаганини кўрсатади.

Бош қонунга мувофиқ, “Давлат ва жамият етим болаларини ҳамда ота-онасининг вазифасини қўриб олишнинг асосий қисми, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради”. Президентимиз раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ота-она меҳрига муҳтож болаларга ғамхўрлик масалалари кўриб чиқилган ҳам давлатимиз ижтимоий адолат тамойилларига қатъий риоя этаётганини кўрсатади.

Энди кўйи бўғиндаги эътиборсизлик оқибатида жойларда қаровсиз қолиб кетган болаларга вазифалик белгиламоқда. Шунингдек, ота-онани миграцияга бўлган, ноқулай ижтимоий муҳитдаги оилаларда тарбияланаётган, руҳий-жисмоний ривожланишида қусурлари бор болаларга ёрдам тизими такомиллаштирилди. Бундан бунё жойларда вазифалик, ҳомийлик, патронажга олинган ҳамда оилавий болалар уйларидаги болалар билан маҳалладаги ижтимоий ходимлар шуғулланади. Улар ота-она ўрнини босувчи шахслар бола олдидаги мажбуриятини қай даражада бажараётганини мониторинг қилиб, баҳолаб боради. Бунинг учун ҳокимликлар ҳузуридаги Вазифалик ва ҳомийлик комиссиялари тугатилиб, уларнинг вазифаси “Инсон” марказларига ўтказилди.

Соғлиғи, ҳаёти хавф остида бўлган, етим ва назоратсиз қолган болаларни қарамогига олиш бўйича “Ихтисослашган тутинган оила” тизими жорий этилади. Тутинган оила махсус сертификатга эга 30 ёшга тўлган одамлар томонидан ташкил этилиб, унга 3-5 нафаргача бола қабул қилинади. Ихтисослашган 160 та таълим муассасида босқичма-босқич “ғамхўрлик” гуруҳлари ташкил қилинади. Яъни оғир касаллиги бор болаларга шу гуруҳларда қарашли ота-оналарига ишлаши учун шароит яратиб берилади.

Ота-онасидан айрилган ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши учун кўмаклашиш тизими ҳам ўзгаради. “Ёшларга ҳамроҳлик” дастури асосида бундай ёшларни қўллаб-қувватлаш 23 ёшгача этиб белгилади (ҳозир 18 ёш). Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари “Ҳаёт мактаби” сифатида қайта ташкил этилади. Етим ва ота-она қарамогисиз бўлган ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш учун улар тадбиркорлик ва касб-хунарга ўқитилади, деҳқончилик учун ер берилади. Олий-гоҳни тамоллашган, ота-она меҳридан маҳрум бўлган ёшларнинг давлат ташкилотларига ишга жойлаштириш бўйича тизим яратилади. Бундай ёшларга уй-жой бериш тизими ҳам тўдан қайта кўриб чиқилади. Бунда “Инсон” марказлари томонидан ҳақиқатан уй-жойга муҳтож ёшлар рўйхати шакллантирилади, уларга бериладиган уй-жойнинг нархи бозор баҳосидан келиб чиқиб, худудлар кесимида белгиланади. Жорий йилда бу мақсадлар учун ажратилган маблағ 140 миллиард сўмга етказилди. Мутасаддиларга 1 июнга қадар навбатда турган 500 нафар етим болани уй-жой билан таъминлаш топширилди.

Бизни қувонтирадигани, Ўзбекистонда ҳеч ким эътибордан четда эмас. Давлат Конституцияда белгилагани ижтимоий ҳимоя принципларини рўёбга чиқараяпти. Дунё тарихини кузатишдан бўлса, оила масаласига энгил қараган халқлар ва давлатлар, албатта, инқирозга юз тутгани гувоҳи бўламиз. Буюк империялар шармандаларча қўлашининг асосий омилларидан бири ҳам шу бўлган.

Ҳар бир инсон бахтли яшашга ҳақли. Инсонлар бахтли бўлса, оилалар бахтли бўлади. Оилалар бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсонлар ўз келажакини қуришда, белгилашда адашмаслиги, оила муқаддас қўрган эканини англаб етиши, қонунда белгилаган тартибда никоҳ тузиб, оила ва жамият мустаҳкамлиги, мамлакат барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўлиши лозим. Зеро, оила ҳаёт абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишиши, жамият равақида бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Мустаҳкам оила биз қураётган янги ижтимоий давлатнинг негизини ташкил қилади.



риб, уларда қайнона, қайнота, келин ва куёв билан индивидуал ишлаш орқали оилаларни ажрашишга етиб бормай яраштириш чораларини кўрган. Натияжада ажрашиш ёқасига келиб қолган 24 минг 193 оилалдан 20 минг 265 тасини яраштиришга эришилган.

Оиланинг тотувлиги бир киши ёки бир сабабга боғлиқ эмас. Бунинг учун ҳамма — келин-куёв, ота-оналар, оила ташқарисидигарлар, кенг жамоатчилик баробар жон куйдириши керак. Халқимиз болалар ва оилавий қадриятларни ҳурмат қилади. Икки ёшнинг бошини қовуштириб, бир оилани барпо қилиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун ота-оналар, ёши улуглар кўпдан кўп маслаҳат ва сый-ҳақратлар қилади. Бироқ ёш эр-хотин ўртасидаги заримас гап-сўзлар ва асосиз вақтлар тўғрисида гулдек оиланинг барбод бўлиши, фарзандларнинг етим қолиши ачинарли ҳол. Шунинг учун ота-оналар, тегишли маҳалла фуқаролар йиғинларини вакиллари, оила ва хотин-қизлар бўлимида бу масалага ҳаммиша масъулият билан ёндашса, кўтулуг кўрган камроқ бузилади.

Муқаддас кўрган дарз кетишига сабаб бўлаётган омиллардан яна бири илмсизлик, жоҳиллик, шаръий никоҳларнинг авж олишидир. Оила кодексига белгиланганидек, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Минг афсуски, кейинги пайларда оилавий муносабатларга энгил-елли қараш ҳолатлари учрамоқда. Айрим хотин-қизлар оқибатини ўйламай, шаръий никоҳ орқали иккинчи хотин бўлиш йўлини танлаётди. Тасаввур қилинг, тегишли давлат идорасида қонуний қайд этилмаган никоҳдан туғилган фарзандларнинг тақдирини, келажакни нима бўлади? Табиийки, давлат қонунлари бўйича улар кўпгина ҳуқуқлардан маҳрум бўлади, оталикни белгилаш,



юзакни ёндашяётгани, фарзанд тарбиясига бепарволиги, ота-онани бурчи ва масъулиятини чуқур англамаслиги ҳам оилалар барбод бўлишига олиб келаяпти.

Ахир оилада келажак эгалари дунёга келди, тарбия топади, ўзлигини англайди. Зеро, оила — давлат сиёсати. Нега деганда, башариятнинг таркиблиги, узлуқсизлиги — оиладан! Борди-ю, оила тузуқ бўлмаса, тарбияга ҳам эътибор берилмаса, қанча буюқ

Шунингдек, спиртли ичимлик ва гиёҳвандлик моддаси истеъмоли сабаб 2,6 фоиз, таъзия ва зўравонлик боис 1,5 фоиз, оммавий ёки хорижий маданиятнинг салбий таъсири билан бошқа сабаблар тўғрисида 2,1 фоиз ҳолатда оилалар барбод бўлган. Оилалардаги ажрашиллар оқибатида 30 мингдан кўпроқ бола бугун тирик етимга айланган.

Миллатнинг умумий бахти, саодатли эртаси учун ҳозир ҳаракат қилиш шарт. Бунда,

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

МОЛИЯВИЙ ТИЗИМНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ

яқин муддатда даромадга яраша буромад асосида ишлашга ўтади(ми?)

Ўзбекистон консолидациялашган бюджетининг 2024 йилги даромадлари 375 триллион, харajatлари 427,6 триллион, тақчиллиги 52,6 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоиз миқдорда белгиланган. Шундан даромадлар 270,7 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 20,8 фоиз, харajatлари 313 миллиард сўм миқдорда режалаштирилган. Харajatларнинг 48 фоиздан ортиги ёки 151,5 триллион сўми ижтимоий соҳага йўналтирилиши назарда тутилган. Белгилаб олинган устувор йўналишларнинг энг асосийси — макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш. Пировард мақсад — аҳоли фаровонлигини яхшилаш. Макроиқтисодий барқарорлик ва аҳоли фаровонлига кўп жиҳатдан ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши орқали эришилади.



Абдурауф ҚОРЖОВОВ, шарҳловчи

ХАРАЖАТЛАР САМАРАДОРЛИГИ

Президентимиз расмиётида 16 январь куни 2024 йилда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу йил ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 6 фоиз кўпайтириб, 100 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган таъкидланди. Йиллик тармоқларда қўшилган қиймати 45 фоиздан ошириш, таннархи 15 фоиз камайтириш, жами санаоатда 7 фоиз ўсишни таъминлаш бўйича вазифалар белгиланди.

Йиғилишда бюджет харajatлари самарадорлиги, молиявий интизом масалалари таҳлил этилар экан, қўйидаги рақам ва мисолларга эътибор қаратилди. Ўтган йили бюджетда 1,2 триллион сўмлик ноқонуний харajat ҳамда 200 миллиард сўмлик камомад ва ўйриқликларга йўл қўйилгани аниқланган. Соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги дастурларга ажратилган маблағ тўлиқ ишлатилмаган. Шунингдек, ишламайдиган ходим ёки бажорилмаган иш учун ҳақ ёзиш, асоссиз сўуда ёки мукофот пуллари олиш каби ҳолатлар кўпайган.

Бу борада Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурдаги Давлат молиявий назорати инспекцияси фаолияти қонирсиз экани кўрсатиб ўтилди. Шу боис, мазкур инспекция Бош прокуратура ҳузурдаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига ўтказилиши белгиланди. Жорий йилда бюджетда кўзда тутилган 313 триллион сўмлик харajatнинг тўғри сарфланишини назорат қилиш вазифаси қўйилди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги республика бюджетининг кунлик кирим-чиқимларига

доир ахборотни мунтазам эълон қилиб боришни йўлга қўйган. Унга кўра, жорий йилнинг январда бюджет тақчиллиги 5,8 триллион сўми, февралда 7,2 триллион сўми, март ойида эса 6,8 триллион сўми ташкил қилган ва жами 19,8 триллион сўмдан ошган. Бу бюджет даромадлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,8 фоиз, харajatлари эса 19,3 фоиз ўсганини кўрсатади. Мазкур рақамларни 2023 йилнинг биринчи чорағидаги таққослаганда 2022 йилдаги нисбатан қарийб 20 баробар кўп.

Таққикотчиларнинг қайд этишича, Ўзбекистонда охириги тўрт йилда бюджет тақчиллиги белгиланган режалардан ортиқ шаклланиб келмоқда. Хусусан, 2023 йилда консолидациялашган бюджет тақчиллигининг чекланган миқдори 3 фоиз этиб белгиланган бўлса-да, амалда 5,5 фоизгача ўсган эди.

“2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, жорий йилда консолидациялашган бюджет даромадлари прогнози 375 триллион сўм, харajatлари прогнози 427,5 триллион сўм, яъни умумий фискал баланси ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоиз тақчиллик билан режалаштирилган. Бу ҳақда иқтисодиётдаги ноаниқликлар ва геосийсий вазиятнинг мамлакатини иқтисодиётга таъсирини юмшатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, аҳоли тўлов қобилияти тушиб кетишининг олдини олиш тадбирларига қўшимча маблағлар ажратилиши, тадбиркорларга қўшимча имтиёз ва преференциалар берилиши натижасида йўқотишларнинг келиб чиқиши билан изоҳланди.

Мазкур ҳужжатда бюджет тақчиллигини қоплаш учун жалб этиладиган маблағ манбалари ҳам аниқ кўрсатиб берилган. Хусусан, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз миқдори сақлаб қолиниб, тақчилликни қоплаш учун ажратиладиган қисмини оширган ҳолда, ташқи қарзнинг чекланган ҳажмини 5 миллиард АҚШ доллари миқдорига, шундан 2,5 миллиард доллари давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, унинг тақчиллигини, қолган қисми инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилиши кўзда тутилган.

Узоқ муддатли даврда макроиқтисодий ва бюджет барқарорлигига эришиш учун

тақчиллик ўрта муддатли даврда 3 фонддан ошмаслигини таъминлаш, бунинг учун маблағларни мақбуллаштириш, даромадлар базасини кенгайтириш, самарасиз солиқ имтиёзлари ва преференцияларини бекор қилиш орқали жорий йилга белгиланган миқдорни босқичма-босқич пасайтириб бориш зарур бўлади.

Шу йилнинг 2 апрель куни Иқтисодиёт ва молия вазирлигида бўлиб ўтган йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатдаги мавжуд фискал, давлат ташқи қарзи бўйича қондаларни кенгайтириш ва такомиллаштириш, керак бўлса, бюджет тақчиллигига нисбатан ҳам бу қондаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Яна шунга айтиш керакки, бу йил бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоиз чегарасида таъкидланган бўлиб, албатта, бу таъминланиши зарур. Шу билан бирга, кейинги йиллардан бошлаб тақчилликни камайтириб бориш ва мўътадил даражада сақлаб қолиш учун бу йил ҳам қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Бу ишларнинг биринчиси макрофискал рискларни баҳолаш ҳисобланади. Бу бўйича Халқаро молия жамағатси билан бир қанча ишлар амалга оширилган. Уларни яқунлаб, нафақат рискларни баҳолаш, балки уларнинг таъсирини юмшатиш юзасидан ҳам тегишли макроменеварларни ишлаб чиқиш бўйича ишларни бошлаш керак бўлади. Бу йил 2025–2030 йилларга мўъжалланган давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳам мўъжалланган.

Бу жараёнда бюджет харajatлари самарадорлигини ошириш ҳамда 2025 йилга келиб, бюджет тақчиллигини ЯИМга нисбатан 3 фоизга тушириш, келгуси йилларда эса шу кўрсаткичдан оширмастик муҳим ўрин тутади.

Шу ўринда амалдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонунда консолидациялашган бюджетни шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинганлиги ёдга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Унда Ўзбекистон бюджетларининг 6 ойлик ижроси яқунлари бўйича даромадлари прогнози бажорилмаган ва жорий молия йилининг охирига қадар уларнинг келиб тушиши учун етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда республика бюджетни умумий харajatларининг 3 ва ундан ортиқ



фоизи миқдориди харajatларни қисқартириш Олий Мажлис палаталари, 3 фонддан кам миқдордаги харajatларни қисқартириш Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида амалга оширилиши белгиланган. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилган. Айрим йўналишларда пилот лойиҳалар бошланган. Унинг бош тамойили “бюджет харajatларини бошқариш”дан “натижаларни бошқариш”га ўтишни ўзида ифода этади. Бу жараёнда асосий мезон муддатлик ҳисобланади. Сабаби, мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари узоқ муддатли хусусият касб этапти. Бинобарин, 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистонда бюджетномани 3 йилга мўъжаллаб режалаштириш амалиёти жорий этилди.

Синов тариқасида натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тадбирлари режаси 2025–2026 йилларда Соғлиқни сақлаш ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиқларининг бюджет харajatларини дастурлар кесимида ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, биринчи даражада бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг 2024–2026 йиллар учун улардан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларини таъкидлаш каби масалаларни қамраб олади.

Таъкидланишича, мазкур стратегия орқали давлат бюджетини тўлиқлигича натижага йўналтирилган бюджетлаштиришга ўтказиш мақсад қилинган. Давлат молия статистикасини ҳам 2026–2027 йилларга келиб, тўлиқ халқаро стандартларга ўтказиш керак бўлади.

ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТЛАШТИРИШ

Ҳозирги иқтисодий шароитда ҳар бир ҳудуднинг ривожига аҳоли турмуш шароити, кам таъминланган оила ва шахслар етарли даражада ижтимоий ҳимоя қилиниши, давлат ҳокимияти органларининг молиявий масалаларини тўғри ҳал қила билиши билан чамбарчас боғлиқ. Бунда давлат бюджетининг вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасининг муайян қисми бўлган, ўзида даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори назарда тутилган маҳаллий

молиялаштиришнинг аҳамияти катта. Унинг ҳисобидан фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларига маблағлар ажратилади.

Бундан тўрт йил олдин қабул қилинган “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун билан маҳаллий бюджетлар харajatлари Халқ депутатлари кенгашлари томонидан таъкидланиши белгилаб қўйилди. Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган ҳамда тўлиқ маҳаллий бюджетлар иштирокида қолдирилмаган даромад турлари кенгайтирилди.

Худди шу кезда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ўзида муҳассас этган “Очиқ бюджет” ахборот портали ишга туширилди. Портал орқали фуқаролар нафақат бюджет маълумотлари билан танишиб бориши, балки бу жараёнда бевосита иштирок этган ҳолда ўзини қийнаб келётган масалаларни ҳал этиш учун тегишли маблағларни талаб қилиши имконияти яратилди.

Президентимизнинг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан эса бу борадаги механизм янада такомиллаштирилди.

— Аҳолини бюджет жараёнига кенг жалб қилиш, жойларда уларни қийнаб келётган муаммолар ечимини аниқ ўзларининг ташаббуслари асосида топши имкониятини яратиш мақсадида 2021 йилдан туман ва шаҳар бюджетлари харajatларининг 5 фоизи ҳамда 1 июлидан туман ва шаҳар бюджетлари қўшимча манбаларининг 30 фоизи бевосита фуқаролар томонидан билдирилган тадбирларга йўналтирилиши белгилаб қўйилди, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим бошлиғи Азим Ҳасанов. — Жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш учун 2021 йилдан ҳар бир ҳудуддан биттадан — 14 та туман ва шаҳарда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси

тажриба тариқасида ўтказилган бўлса, кейинги йилдан бошлаб бу жараён ҳар йили икки мавсумда ўтказиб келинапти.

2022 йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилмаган маблағларнинг 50 фоизи “Очиқ бюджет” ахборот порталининг “Менинг йўлим” лойиҳаси орқали жамоатчилик фикри асосида таъмирлашга йўналтирилиши қатъий белгилаб қўйилди. Ўтган йилдан қаерда ички йўл қуриш, қайсини таъмирлашни одамларнинг ўзи ҳал қиладиган бўлди. Жорий йилдан эса бу дастур “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси билан бирга қўшимча ўтказилган бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 24 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилмаган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2023 йилдан бошлаб “Очиқ бюджет” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида молиялаштирилмаган тадбирлар жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланиши ҳам назарда тутилган.

Рақамларини умумлаштириш билан бирга, 2021–2023 йиллар давомида “Ташаббусли бюджет” жараёнлари учун давлат бюджетидан қарийб 8 триллион сўм йўналтирилди. Мазкур маблағ доирасида жами ўн мингга яқин лойиҳа голиб деб топилди, беш миңдан ортиқ маҳаллада ижтимоий муаммолар бар-тароф этилишига эришилди.

Жорий йилда эса бу мақсадлар учун ажратилган жами маблағ 8 триллион сўми ташкил этапти. Унинг биринчи мавсуми учун жами 3 триллион 373 миллиард 305 миллион сўмдан зиёроқ пул ажратилди. Ўтказилган танловда 2254 маҳалла бўйича жами 2770 лойиҳа голиб деб топилди. Овоз бериш жараёнида 11,7 миллион аҳоли иштирок этди.

Энди “Яшил макон” умумий лойиҳасини амалга оширишда республика бюджетидан ҳар йили ажратилмаган маблағнинг камида 50 фоизи “яшил боғ” ва “яшил жамоат парклари” ташкил қилиш учун “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида ишлаб чиқилган “Менинг боғим” лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Кўриниб турибдики, “Ташаббусли бюджет” жараёнлари фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилашда тезкорлик билан натижага эришиш мумкин бўлган механизм сифатида шаклланиб бормоқда. Бу орқали бюджет маблағи аниқ жамоатчилик фикри асосида фуқаролар томонидан долзарб деб топилган муаммоларни ҳал этиш учун маънавий йўналтирилишига, ажратилган маблағдан фойдаланишда жамоатчилик назорати кучайишига эришилмоқда.

Иқтисодиёт фанлари доктори Нодирбек Расулов таъкидлаганидек, бюджет очкилиги ислохотлари, биринчидан, давлат бюджетни самарали ишлатилишини таъминласа, иккинчидан, жамоат назорати кучайишига олиб келади, учинчидан, фуқаролар ердамида узоқ йиллардан бую ҳал бўлмаётган ижтимоий муаммолар ечилишига имконият яратилади. Бюджет очкилиги амалдорлар томонидан халқ пули тароҳ-тароҳ қилинишига жиддий тўсик бўлиши билан халқ манфаатларига хизмат қилади. Шунинг учун аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, уларга муносиб яшаш шароитларини яратиш мақсадида бюджетдан ажратилмаган маблағни тақсимлаш жараёнида фуқароларнинг иштирокини кенгроқ таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Муносабат

ЁШЛАР УЧУН НАВБАТДАГИ ИМКОНИЯТ

Зокир АЛЛАМУРДОВ, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш орқали даромадларини ошириш, пировардида турмуш фаровонлигини яхшилаш “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастурида ҳам устувор вазифа сифатида кўрсатиб ўтилган. Бугун ёш авлоднинг ўз иқтидорини намоиш этган ҳолда бахтли, фаровон турмуш кечирishiга кўмаклашиш давлатимиз диққат-эътиборида.



банклари томонидан 7 йил муддатга 100 миллион сўмгача кредит ажратилади. “Маҳалла еттилиги” ажратилмаган ер майдонини белгилашга қафил ҳамда олинган кредитлардан самарали фойдаланилганига жавобгар ҳисобланади.

Ер ижарага олишни мақсад қилган айрим ёшлар деҳқончилик, боғдорчилик ёки чорвачилик борасида етарли тажрибага эга бўлмаглиги мумкин. Шунинг учун олиш ҳолда, улар “Агробанк” АТБнинг “Фермерлар мактаби”, “Сувчилар мактаби”, аграр соҳада кадрлар тайёрлайдиган ОТМлар ва ҳудудлардаги кичик бизнесга кўмаклашиш марказларида ташкил этиладиган ўқув курсларига йўналтирилиб, билим ва малакаси оширилади. Шунингдек, аграр соҳадаги ва бошқа олий таълим муассасалари ҳузурдаги ўқув-тажриба участкаларида боғ ва тоқзорлар барпо этиш, сабзавот, картошка, дуккакли, мойли экинлар етиштириш бўйича кўрғазмали дала майдонларида тез-тез бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш борасидаги амалий тажрибаларини шакллантиришда янада мустаҳкамлашди.

Ёшлар учун яна бир имтиёз. Ердан зироат ундирмоқчи бўлганларга минитехника, уруғ ва кўчат харид қилиш учун “Ёшлар дафтари” жамғармасидан 5 миллион сўмдан субсидия, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 33 миллион сўмгача кредит ажратилади. Уларга фермерлар кенгаши ва “Агробанк” АТБ томонидан жойларда 167 та агромарказ

орқали хусусий секторни жалб қилган ҳолда уруғ, кўчат етказиш, минерал ўғит бериш, минитехника ва агроном хизматлари йўлга қўйилиб, етиштирилган маҳсулотини харид қилиш учун қайта ишловчилар ҳамда экспорт қилувчилар бириктирилади. Ушбу мақсадлар учун Ёшлар ишлари агентлиги жамғармасидан 50 миллиард сўмгача, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузурдаги жамғармадан 60 миллиард сўмгача маблағ йўналтирилади.

Талабгор ёшларга сабзавот, картошка, поли экинлари, тул, кўчатлар, маккажўхори, дуккакли ва мойли экинлар, доривор ўсимликлар етиштириш ҳамда сугориладиган ер, боғдорчилик-узумчилик йўналишлари учун кўп йиллик дархазторлар ёки самарасиз ер майдонлари, чорвачилик йўналишлари учун озуқа экинлари етиштиришга мўъжалланган лалми, бўз, яйлов ва янги ўзлаштирилган ер майдонларини 30 йил муддатга “Бир масив — бир маҳсулот” тамойили асосида ижара олишга рухсат берилади.

Вилоят ҳокимликлари ижарага берилган ерларни сув билан таъминлаш учун қудуқ қазич, сугориш тармоқларини тиклаш, электр тармоғи тортиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш борасида ижарачи ёшларга

кўмакдош бўлади. Шунингдек, Солиқ кодексига мувофиқ, томчилатиб сугориш технологиялари жорий этилган ҳамда қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилган ерлар беш йил муддатга ер солигидан озод этилади.

Электрон аукцион савдолар орқали ижарага ер олган ёшлар ўзлари турган дафтарадан чиқарилмайди ҳамда улар қонунийликда белгиланган барча имтиёз ва преференциалардан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Ёшларнинг ердан самарали фойдаланаётгани, экин турлари ва олинаётган самаралар Ёшлар ишлари агентлигининг “Ёш фермерлар” платформаси орқали назорат қилиб борилади.

Шу ўринда яна бир тақлифни ўртага ташламоқчиман. Бугун мамлакатимизнинг турли ҳудудларида айрим фуқаролар томонидан деҳқон хўжалиги сифатида қайд этилиб, аслида, яйлов сифатида фойдаланилаётган юзлаб гектар ер мавжуд. Улар ёлчилиб солиқ ҳам тўламайди. Агар шу ерлар деҳқончилик, боғдорчилик ёки чорвачилик қилмоқчи бўлганларга локал 10 сотихдан ажратиб берилса, ундан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда ёш оилаларнинг даромади янада ортган бўларди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор билан йигит-қизларимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан тортингча бўлган жанжирни қамраб олувчи янги тизим орқали қўллаб-қувватланиб, бандлиги таъминланган ва турмуш фаровонлиги оширилади. Пировардида улар етиштираётган озиқ-овқат маҳсулотлари халқимиз дастурхони тўқинлигига хизмат қилади.

Мақолангизни ўқидим

БИЗ ҚУШ ЭМАСМИЗ, БИРОҚ...

Ўқув ва бўлиши ҳам мумкин эмас” ҳикматини ҳаётини эътиборга олиб билганлар. Миллий истиқлол, тараққиёт ва фаронлиққа, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-хунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкин деб ҳисоблаганлар. Шу мақсадда яхши ниятда етмишга яқин йигит-қиз Германияга ўқишга юборилган. Афсуски, қўл остидаги халқнинг зиёли бўлишини, уйғонишини истаган мустақил эллар турли баҳона ва тўхматлар қилиб, етмиш қалдирғоннинг парвоз қилишига йўл қўймай, қанотини қайирди.

Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс маърифат-парвар жаҳид боболаримиз амалга ошириши мумкин эди. Афсуски, мавжуд вазият, ижтимоий тузум бунга йўл бермади.

Мана, бугун жаҳид боболаримиз орзу қилган мустақил юрда яшаймиш. Таълим олиш учун шарт-шароитлар етарли. Олий таълим муассасаларидан бештасига ҳужжат топшириш, қизлар учун эса магистратура босқичини бепул ўқиш имконияти, турли имтиёзлар сўзимиз исботи. Аммо булардан қанчалик унумли фойдалана оляймиз?

Яқинда буюм билан гаплашиб, узоқ қариндошлардан бирининг мендан икки ёш кичик ўғли ҳақида нохуш хабар эшитдим. Ўша бола мактабда аълочи бўлган, уни битирмай туриб, университетга давлат гранти асосида ўқишга кирган. Лекин мактабни битирмагани учун уни қайтаришган. Мактабни битириб, математика факультетига яна бюджет асосида ўқишга қабул қилинган. Биринчи курсда чиройли талаба йигит бўлиб юрганди. Қўрган одамнинг ҳаваси келарди. Афсуски, оилавий шароити оғирлиги туйғули Қозоғистонга ишлашга кетибди. Ўқишини сиртқида давом



этиратган экан. Илмга чанқоқ бу йигитга жуда ачинадими.

Ўқишга кириб, ОТМга номига бориб-келиб юрганларнинг ҳам кўпини кўрганмиз. Кимдир ҳеч нарсани ўйламадан ўқишни истади, яна кимдир шундай имконияти бўлса-да, ундан фойдаланмади. Баъзилар ҳатто оилавий ҳолат сабаб ўқиш учун ҳужжат топшириб ҳам кўрмайди.

Яна бир жиддий масала — жамиятимизда шаклланиб қолган нотўғри қарашлар. Охириги йилларда қизлар таълимга жамиятимизда да ижобий муносабат шаклланган бўлса-да, ҳали-ҳамон уларнинг ўқишидан кўра турмуш қуришига хайрихоҳ юртошларимиз йўқ эмас. Мен тенги қўшни қизнинг орзулари билан ҳеч ким қизимди: мактабни битирishi билан узатибди. Кейин билсам, бу қарор

унинг бувисидан чиққан экан. Айтишларича, кўп ўқиган қизнинг турмушга чиққиси келмай қолар эмаш...

Аслида, таълимнинг аҳамиятини тушушган қиз ўқийди ва ўқимишли, билимли фарзандларни тарбиялашни истади. Шунингдек, айрим юртошларимизнинг “Ўқиган буюм бўлмади” қабилидаги фикри ҳам фарзандларни ўқишга тўсик бўляпти. Демак, жамиятимизда илми инсонларга нисбатан аввалтидай юксак ҳурмат-эътиборни шакллантириш зарурати бор.

Ҳозир таълимга, илм-фан вакилларига эътибор ошган. Лекин илмнинг аҳамияти, эртанини илм-фан ривожини тасаввур қила олмаслигини жамиятимиз тўлиқ англаб етиши керак. Бу борада ота-оналар ҳам фарзандлари таълим-тарбиясини ўқув муассасасига бутунлай топшириб қўймасдан, бугуннинг тили билан айтганда, уларга мотивация берса, устозларнинг улғулигини ва унинг ўқиши нафақат ўзи, балки юрт келажаги учун кераклигини тез-тез эслатиб турса, нур устига нур бўларди.

Фарзандни бир полагон десак, унинг улғайиб, юксакларга парвоз қилишига ота-она ҳам, устозлар ҳам бирдек масъул. Ана шу ҳақиқатни англашимизга эҳтиёж бор.

Гулнур АМЕТОВА, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси

Баъзи сўзлар борки, бири айтилганда иккинчиси кўз олдимишга келади. Масалан, қуш десак, хаёлимизда осмон ҳам гавдаланади. Аммо табиатда учмайдиган қушлар ҳам кўп. Уйда боқиладиган паррандалар, туюқлар, пингвинлар... Булар биз биладиганларимиз, холос. Фанда уларнинг эволюция жараёнида учиб қолганини йўқотгани таъкидланади.

Инсон қадри учун

Халқимизда “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган ҳикмат бор. Унинг замирида ҳар бир ўғил-қизнинг юриш-туриши, таълим-тарбиясига бефарқ бўлмастик, меҳр-эътибор кўрсатиш каби одоб-ахлоқ хислатлари мужжасам. Бу ёшлар тарбиясига жиддий эътибор бериш нақадар муҳим эканидан далолат. Лоқайдлик, ёшларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш кўпайиб кўнгилсизликларга олиб келиши табиий.

Бўлган воқеа...

Маҳалламизда Холмат ака деган тракторчи яшарди. Беш қиздан кейин “қўқордек” ўғил кўрди. Бу хурсандчиликка бутун маҳалла эш бўлди. ...Шокир оилада айтгани-айтган, деганидеган қабилида ўсиб-улғайди. Ишга буйин бермай, ҳафталаб уйга келмаслик, бегона кимсалар билан ошно бўлиш одатини чиқарди. Маҳалла кайвонилари ўртага тушиб, тартибга чакирмоқчи бўлганда, онаси рўйишувлик бермади. “Эси кириб қолар”, деб кўпнинг раъйини қайтарди. Назоратсизлик, эътиборсизликдан руҳланган ўсим ўғирлик ва қимор ўйнашни одат қилди. Қурилиш бригадирининг кирдиқорларини отасига баён қилди, бу гап унга малол келди.

фақатгина ўн икки дақиқа вақт ажратаркан. Бу, асосан, дастурхон атрофида ўтирганга, бола кўчага чиқаётганда, мактабга кетаётгандаги бериладиган кичик танбехлар экан, холос. Мамлакатимизда бу борадаги иш тутуми ўзгарди. Миллий қадриятларга асосланган таълим-тарбияга ҳар қачонгидан-да муҳим бўлган вазифалардан бири сифатида эътибор қаратиляпти, илгор тажрибалар, янги ташаббуслар кўлаб-қувватляпти. Ўзбекистон ёшлар мамлакатини сифатида дунё ҳамжамиятида ўз ўрни ва мавқеига эга. Нафақат юртимиз, балки дунё миқёсида ҳам илм-фан, спорт, замонавий техника ва технологиялар ҳосасида оламни лол қолдираётган минглаб ёшларимиз ҳаёт йўли ва иш амаллари кўпга ибратли.

Бу бежиз эмас, албатта. Жорий йил бошида давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида юртимиздаги 4 миллион ёшга яқин 4 та сектор кесимида 6 та ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органига оталиққа бириктириб, янги йўналишда ишлаш тизими белгилаб берилган эди. Шу кунга қадар ҳамкор ташкилотлар билан бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилиб, ёшлар ҳаётида сезиларли ўзгаришлар буй кўрсатди.

Ҳар бир ёш ҳаёт тарзи билан яқиндан танилиш, муаммоларини эшитиб, фикрларини ҳисобга олиб, талаб ва тақлифлари асосида қарорлар қабул қилиняпти. “Ёшлар баланси” асосида барча давлат идоралари, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига ёшларни бириктириб, уларга ҳар томонлама кўмаклашиб боришга ҳуқуқий асос яратиб берилди. Ёшлар “яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифаларга ажратилиб, ҳар бири билан яқин тартибда ишлаш амалиёти жорий этилди.

Бу йўналишда Фарғона вилоятида эътироф этиш керак бўлган жиҳатлар кўп. Ёшлар билан хонадонбой, онлайн суҳбатлар ўтказилиб, аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича “йўл харита”лари тасдиқланди. Аниқланган ижтимоий ва маънавий муаммо-

— “Маҳалла еттилик” ҳамкорлигида ёшларнинг муаммолари ва қизиқишларини аниқлаш мақсадида хонадонбой хатловлар ўтказилди. Нафақат бандлик ва ижтимоий

шакллантирилишига эришилди. Ёшларнинг муаммоларидан келиб чиқиб, бандлигини таъминлаш, касб-хунарга ўргатиш, улар учун инфратузилма объектларини яратиш, кам та-

ватанпарварлик туйғуларини тарғиб этиб келяпти. Ҳарбий қисмларда ёшлар учун очик эшиклар кун, ҳуқуқий тарғибот, ватанпарварлик, “Миллий гвардияда бир кун” тадбирлари ўтказилди. Фарғона ва Қўқон шаҳри, Ўзбекистон, Бешариқ ва Олтиариқ туманларидаги биттадан мактабда “Миллий гвардия синфлари”, Бағдод туманида “Мангуберди издошлари” мактаби Миллий гвардия оталиғига олинди. “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви давомида 11 ёш Миллий гвардиянинг 5 миңдан ортиқ фондида эга кутубхонасига аъзо бўлди. Албатта, эришилган ютуқларимиз кўп. Бу масъулиятли ишларда нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари, балки ота-она, маҳалла, таълим ташкилотлари, ишлаб чиқариш жамоаларининг ҳам ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Рустамжон Неъматжонов ҳарбий хизматни ўтаб келгач, сомапазга ёрдамчилик қилиб кун ўтказиб келди, тоғгани рўзгордан ортмайди. Оила ҳаёт тарзи билан танишган Миллий гвардия вакиллари Рустамни кўриқлаш хизматининг соқчилик вазифасига ишга қабул қилди.

Ойнурбегим Акбарова Фарғона шаҳридаги 45-умумтаълим мактабининг 10-синфда ўқийди. Оила ижтимоий ҳимояга муҳтож. Унинг бошқа ёшлар қатори замонавий ноутбукда мустақил тил ўрганишга иштиёқи банд. Бироқ оиланинг иқтисодий аҳоли уни харид қилиш имконини бермаётгани. Давлат солиқ инспекцияси бу қизни оталиққа олиб, унга замонавий ноутбук совға қилди.

— Бизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар ҳаётда ўрнимизни топишда ўзига хос имкониятлар бермоқда, — дейди Қўқон шаҳри “Ўрмонбоғ” маҳалла фуқаро-олиёи йиғинида яшаётган Набижон Назиров. — Новойлик қиламан, лекин мустақил ишлаш учун жой масаласида айрим қийинчиликларга ҳа дуч келаятганим. Вакиллар билан учрашувда маҳалламиздаги эски бинони вақтинча фойдаланиш учун беришса, новойихона очиб ишламоқчилигимни айтдим. Истагим қаноатлантирилди. Айни кунда аҳолига хизмат қилиш билан бирга, маҳалламиздаги ёшларга хунар сирларини ўргатаймиз.

Дилдора Мамажоновнинг ота-онаси ногирон. Шунга қарамай, ота-она икки фарзанди камоли йўлида ҳалол меҳнати билан рўзгор тебратяпти. Дилдора 10-синф, синглиси 3-синфда ўқийди. Ота-онаси билан бирга бир хонали уйда ётиш, овқатланиш, дарс қилишларига тўғри келади. Оилада бўлган ҳуқуқ-тартибот органи вакиллари уларга муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида чала қолган қурилиш ишларини тугатлаб, шинам хона жиҳозлаб берди. Қизлар учун ётоқ анжомлари, дарс тайёрлаш учун стол-стул, гилам ва пардалар олиб берилди. Дилдора “Нажот таълим” ўқув марказида тил ўрганишга жалб этилди. Бундан ташқари, хонадон ҳовлиси таъмирланди.

Сирасини айтганда, ёшлар бахту иқбол йўлидаги ислохотлар минглаб йигит-қиз кўнглига қувонч ва шодлик туйғуларини олиб қирмоқда. Ҳаётда ўз ўринларини топиш, ҳар жиҳатдан етуқ ва баркамол бўлиб воқеа етишларида янги имконият эшикларини очмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

БЎШ ПАЙТДА ЭМАС, ҳар дақиқада шуғулланиладиган масала

— Қиморни ўғил бола ўйнайди-да, — деб эътибор бермади, тўғри хулоса чиқармади. Аввалига туҳум, товук, кейинроқ қўй ўғирлаб қўлга тушди. Суд ҳукмига қўра, озоликдан маҳрум қилинганида эса кеч бўлганди.

Шокир шу кетганича ўн йилдан ортиқ қишлоққа йўламади. Фарзанд доғида хаста бўлган ота-онаси ёруғ оламдан кўз юмганида ҳам у қамқоҳонада эди...

Бу воқеанинг бўлиб ўтганига чорак асрдан ошди. Аммо маҳалламизда бўлаётган тўй-ҳашам ва жамоатчилик орасида ханузга қадар ушбу воқеадан тўғри хулоса чиқариш, ёшларнинг юриш-туриши, одоб-ахлоқи, таълим, касб-хунар ўргатишга ҳамма бирдек масъул экани бот-бот тақдорланади.

Ҳаёт-мамонт масаласи

Маърифатпарвар жаҳид бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамонт, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли сўзлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Чунки таълим ва тарбия масалаларига эътиборсиз қаралган ҳар қандай жамиятда юзага келадиган кўнгилсизликлар, у келтириб чиқарадиган зарарли оқибатлар кўпчиликка аён. Шундай экан, тарбия масалалари билан бўш пайтда эмас, ҳар дақиқада шуғулланиш зарур ва шарт.

Олимларнинг аниқлашича, айрим ота-оналар бир сутқада фарзанд тарбияси учун



Ҳар бир бола оталиққа олинди

Фарғонада оталиққа олинган ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этиш бўйича ягона ёндашувнинг намунавий тажрибасини шакллантиришга бағишланган ёшлар форуми бўлиб ўтди.

ларни “маҳалла еттилик” ҳамда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Бириктирилган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича маънавий-маърифий, спорт, ҳарбий, маданий ҳаёт билан боғлиқ кўплай ишлар қилиняпти. Маҳаллаларда кичик кутубхона, китоб ва маънавият бурчақлари ташкил этилди.

Жорий йил бошида давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида юртимиздаги 4 миллион ёшга яқин 4 та ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органига оталиққа бириктириб, янги йўналишда ишлаш тизими белгилаб берилган эди. Шу кунга қадар ҳамкор ташкилотлар билан бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилиб, ёшлар ҳаётида сезиларли ўзгаришлар буй кўрсатди.

ҳолати, балки иқтидори, хоҳиш-истагидан келиб чиқиб, ҳар бир ёшнинг қизиқиши ўрганилди, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Муҳаммадмин Ганиев. — Маҳаллаларда қандай лойиҳа ва тадбирларни ташкил этиш тақлифини бевосита ёшларнинг ўзи бермоқда. Ўтказилган хатлов давомида 916 миң ёш ҳақидаги маълумотлар шакллантирилиб, “Ёшлар баланси” платформаси орқали тўлиқ электронлаштирилди. Ўтган қисқа вақт давомида 4 миңдан ортиқ ёш қафолати иш ўринларига жойлашди, 1131 нафар касб-хунарга ўқитилди, 16 миң 289 нафарига турли ижтимоий-иқтисодий кўмак кўрсатилди. Биргина Фарғона вилоятида 325 миң ёш ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органлари ҳамда уларнинг қуйи бўлиналари ходимларига тақсимлаб, шахсан оталиққа олиниши ва қафил бўлиши орқали уларда ватанпарварлик, дахлдорлик ва қонунга ҳурмат каби эзгу туйғулар

минланган оилаларда яшовчиларни аниқлаб, ижтимоий кўмаклашиш орқали ҳаётга йўналиштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. — Оталиқдаги ёшлар билан кузатилаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида ўртоқлашяёмиз, тажриба алмашяёмиз, — дейди Миллий гвардия Фарғона вилояти бўйича бошқармаси бошлиғи полковник Шавкатжон Акбаров. — Айни кунда вилоятдаги 115 та маҳаллада истиқомат қилувчи 30 миң 434 ёш билан тизимли ишлашни ташкил этиш мақсадида ишчи гуруҳ тизилиди, масъуллар белгилибди, тегишли ҳужжатлар яратилди. Маҳаллаларга Миллий гвардиянинг 374 хизматчи ва ходими буйруқ асосида бириктирилди. Улар маҳалладаги ёшларнинг яшаш, ўқиш, иш жойига бевосита келиб, турмуш тарзи, соғлиғи, ўқиши ва ишлаши учун шарт-шароити ҳамда оилавий аҳолини ўрганиб, маънавий кўмаклашиб,



Ифтихор

Карима ЗАРИПОВА:

“ФАҚАТ ЎЗ ХАЛҚИМГАГИНА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН”



“Айрим амалдор шахслар ўша пайтда “Ўзбекларга цирк ташкилоти керак эмас” деган гапларни ҳам айтган. Аммо бувамиз ўз ниятини амалга оширишга қатъий киришган. Ўзбекистоннинг цирк санъатига меҳр қўйган, келажакни олдиндан ўйлайдиган раҳбарлари бувамизга ҳар томонлама ёрдам берган”.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

КЕЧИККАН ТУҒИЛИШ

Яратган яна бир ҳафта умр берганида Карим Зарипов интизорлик билан кутган неварасини кўришга муваффақ бўлди. У ўғил кутган, туғилмак чакалоқнинг суннат тўйини тезликда ўтказиб юбориш учун ҳамма нарсани тахт қилдириб қўйганди. Карим қизикнинг васияти билан чакалоқ қиз туғилса-да, бобосининг исм-шарифини олди — Карима Зарипова!

Бошқа невараларга қараганда шўх ва кўрқмас бўлган Карима уч ёшида циркни таниди, отга минди. Фахридин ака қизи чавандоз бўлишни хоҳламапти. Турмуш ўртоғи Холидаҳон ая кўрган қийинчиликларнинг ўзи етарли эди унга.

ОТЛАР ИЛА ЎТГАН ОТАШИН ЙИЛЛАР

Циркда ишлаш ўта машаққатли бўлгани учун цирк артистлари барвақт нафақага кузатилади. 37 ёшида циркни тантанали тарзда тарк этган Холида опа уйда ўтира олмай, мухлисларини хушнуд этгиси келаверди. 1966 йили Феодосиядаги бахтсиз ҳодиса сабаб у чавандозлик билан хайрлашишга мажбур бўлди. Трюк бажараётган Холида опа от устидан сакраб, олов халқа ичидан ўтиб, яна от устига қайтишга чоғланаётганда биринчи қатордаги томошабинлардан бири ўрндан туриб кетди-ю, жонивор хурқиб, йўналишини йўқотди. Чавандоз аёл паस्ता, томошабинлар томонга ёнбоши билан йиқилди. Боши айланиб, ўнг кўлини кўтар олмай азобланаётган беморни шифохонага, операция столга ётқизишди. Кўлидаги узилб кетган томир уланиб, тери ичи оққан қондан тозаланди. Тошкентда қайтадан даволаниб, кўп дард чекди.

Карима онасининг қадрили оти Самбога боғланиб қолган, от хасталаниб, колхозга топширилганидан кейин оппоқ, ингилди ва араб отлари наслидан бўлган бир дўнон унга ёқиб қолади. Уни баландларга парвоз қилсин деб дастлаб Небисто — Осмонбек, кейин сал ўзгартириб, Небосклон — Уфқ деб номлади. Зеро, Уфқнинг ер билан осмон бирлашадиган чизик эканидан келиб чиқиб, сеvimли оти уни цирк билан бир умрга бирлаштиришини хоҳларди. Энди унинг бор бойлиги шу от эди. Унга эга бўлиш учун ҳатто ота-онаси совға қилган уйини ҳам сотиб юборди. Уфқни эса 50 минг сўмга харид қилди.

Ўша пайтда ҳазилакам бўлмаган бу пулга хоҳлаганча яшаш мумкин эди. Лекин Карима Уфқни деб уйсиз ва жойсиз яшашга ҳам рози бўлди. Турмуш ўртоғи билан циркдаги артистларнинг қийим алмаштирадиган хонасида яшай бошлади. Ёлғиз даamlарида оти ягона сирдошга айланди. Гўё гапларини тушунадигандек бошини сарак-сарак қилиб жим туриши отни унга янада яқинлаштирар эди. Уфқ билан ишлаш Каримага илҳом бағишлар, отга минганида унинг юрак уриши, ҳароратини сезар, от ҳам эгасининг меҳрини ҳис қила оларди. Шунинг учун Уфқдан айрилганида яқин кишисидан айрилгандай азобланди. Саҳнада ўйнаб туриб, ўзининг кўлида жон берган



оти гурсиллаб йиқилганида, Карима ҳайрон бўлди. Бўлиши мумкин эмасди. Ахир у сал оғриб қолса ёки бирор жойи лат еса, дарвор сезар эди-ку? Отининг кўзлари нурсиллаб, соҳибаси билан видолашар экан, мени ташлаб кетма, деганини билди... Кўзини очса, шифохонада экан. Тузалиб чиққач, у циркни тарк этди. Чунки Уфқсиз манежни тасаввур қила олмасди.

Карима Уфқ билан “Баҳор вальси”, “Араб тангоси”, “Анджон полькаси” рақсларида олқишларга кўмилди. Уни олқишлаганлар



орасида Москва цирки раҳбарлари ва халқ артисти Ирина Бугримова ҳам бор эди. Бир пайтлар уни Москвада, бутуниттифоқ марказий цирк бошқармасида тан олмаган Каримский ва Себастьянов энди уни муваффақиятлари билан самимий кутлар эди. Турмуш ўртоғи ҳам цирк артисти, эндигина бир ёшли ўғли ҳам ёнида бўлган Карима уларни ҳангу манг қилиб қўйганди. “Циркимиз эшиклари сиз учун ҳамisha очик”, деб юбурганларини билмай қолди.

Бироқ Зариповлар дунёнинг қайси бурчагига бормасин, ҳамisha Ватан меҳрини ҳис этиб, унга талпиниб яшайди. Каримани нафақат Москва циркига, балки бошқа чет элларда ҳам неча марта ишга таклиф этишди. Карима ҳам ўз она ватанидан айро, бошқа юрдада яшаш, ишлашни тасаввур қилолмасди.



СТУДИЯ ОЧИШГА УНДАГАН МАҚСАД

Бир кун тушида у бобосини кўрди. Карим қизик ёш болаларга чавандозликни ўргатаётган экан. Кўнгли ёришиб уйғонди. Бир пайтлар бобоси орзу қилган цирк коллежиде ўқитувчи бўлишга қарор қилди ва шу ерда ишлай бошлади.

Бу ерда Каримани ўқитувчи бўлиб ишлашнинг ўзигина қониқтирмас, Зариповларга хос шижоат янги гоғларга ундар эди. Ниҳоят, коллеж хузурида “Карима” болалар цирк студиясини очди. Беш ёшдан ўн беш ёшгача бўлган ўғил ва қизларга цирк соҳасидаги жамини билимларини ўргата бошлади. Шу йўли билан у болаларнинг эгилувчанлик



тўхталиб ўтди. Цирк санъати учун кадрлар тайёрлашда таълим ва амалиётни уйғунлаштириш мақсадида Тошкент давлат цирки ёнида 300 ўринли ўқув биноси, 200 ўринли ётоқхона барпо этиш режалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Тошкент давлат цирки биносини таъмирдан чиқариш бўйича ҳам тегишли чора-тадбирлар кўриладиган бўлди. Бунинг учун Карима опа чексиз қувонди. Президентимизнинг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида жуда кўп таклифлари инobatта олинганидан ич-ичидан миннатдорлигини билдирди. Шу билан бирга, бобоси ташкил этган муассаса жуда қадрлон экани, ўзгача фойдалигини айтиб, шу ерда Цирк ва эстрада санъати академияси ташкил қилишга эғуз мақсади борлигини ҳам яширмади. Опа эстрада ва цирк санъатини ўргатиш учун икки йилни жуда кам муддат ҳисоблайди. Лоақал олийгоҳ бўлса, эстрада актёри ва эстрада режиссёрлиги бўйича етук кадрлар тайёрлаб беришга ўз жамоасининг салоҳияти етарли эканини куйиниб гапирди.

— Биз жуда кўп билим беришимиз керак. Икки йил нима, ярим маҳсулотдек гап. Битирувчиларимизнинг дипломига имзо қўяётиб, уларни кетказгим келмаганидан кўларимиз қаттирайди. Хайриятки, ўқитувчи сифатида 50 фойз ўқувчиларим ўзимга келаяпти, кадр бўлиб қайтапти. Бошқа жойда эмас, айнан шу ерда ишлагим келаяпти, деган гаплардан бошим кўкка етади, — дейди онанинг кўнгли бўшаб. — Бувамиз ҳам болаларни мана шундай меҳр билан тарбиялаган. Тошкент давлат цирк билим юртининг раҳбари экан, ўқувчиларини, керак бўлса, ўз ҳисобидан кийинтириб, ўқитган. Бувамининг цирк санъати бўйича ўша пайтдан қолган ўқув дастурлари ниҳоятда катта ёрдам бермоқда.

Карима онанинг бу дароғода иш бошлаганига роппа-роса чорак аср бўлибди. Шундан 19 йилли директорлик вазифасида ўтгачи. Ёш авлод учун ўзи ҳам цирк санъатига доир қирққа яқин дастур ишлаб чиқди. Тўғриси, коллежда бошқа коллежларда учрамаган ижод муҳити, Ўзбекистон тарбия устувор эканига дуч келганимиздан ҳайрон бўлдик. Аслида, ҳар қанча замонавийлик шу ерда бўлиши керак эди, наздимизда. Бунга жаован Карима опа шундай деди:

— Баъзи ёшлар осонгина артист бўламан, актёр бўламан, деб ўйлайди. Бир-икки ой ўқигандан кейин билишадикки, бу ерда чидаганларгина ўқийди. Бизга ҳам танангни ўзингга бўйсундир, ялқовлигун танбаллигини йиғиштириб, ҳамisha ҳаракатда бўл, шунда ҳар қандай мушкулликни енгишин мумкин, деб ўргатишган. Мен ҳам ўқувчиларимга цирк санъатининг йўлини тудтинларми, бу санъатнинг илдизига кириб бориш керак, деб кўп бор айтаман. Бола, болам, деб бунини слайман, вақти келса, қойийман. Шу йўли бўлса-да, мени яхши кўриб, хузурига ошқиб келишларидан хурсанд бўламан. Иштихонларда ўзлари яхши кўрадиган цирк артисти сифатида менинг ҳаётимни ҳам гапир беришса, хурсанд бўлиб кетаман. Мендан ибрат олайтими, демак, намуна бўлишга

ҳаракат қиламан. Турли мактаблардан келган йиғит-қизларни коллежнинг қолиғига солиб олиш учун бир йил қийинчилик бўлади. Алоҳида форма, алоҳида талабларимизга кўнган ота-она боласини бу ерда ўқитаяпти. Тўғри, чет элларда ишлаётган қизларим орасида ўзбеклар йўқ. Бунга бутун санъат, шу жумладан, цирк ҳам қизларга эмас, деган нотўғри қараш сабаб. Кўпчилик циркда қолиб ишляпти, ҳамкорлигимиз яхши. Шартнома асосида ўқувчиларимиз ўша ерда иш ўрганади. Насиб қилса, уларнинг барчаси циркда ўзининг йўналишида ишлаб қолади. Бир шогирдим йўналишида ишлаб қолади. Бир шогирдим йўналишида ишлаб қолади.



лар полеси спортти бўйича мураббийлик ҳам қилияпти. Керакли кадрларни бераётганимиздан хурсанд бўлиб кетаман.

Айни пайтда коллежда цирк санъати, халқ ўйинлари (дорбозлик, полвонлик), эстрада актёрлиқ, қўғирчоқ санъати, эстрада хонандалик, эстрада рақс, эстрада чолғу ижрочилиги бўлимларида 160 нафар йиғит-қиз 9 та мутахассислик бўйича тахсил оляпти.

МАШАҚҚАТЛАР САМАРАСИ

Ҳалол меҳнат, фидойилик, албатта, кадр топаяди. Профессор Карима Зарипова “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвони, “Дўстлик”, “Меҳнат шўхрати” орденларига лойиқ кўрилди. Зеро, опа коллеж раҳбарлигидан ташқари турли мусобақаларнинг очилиш маросими учун минглаб болаларга рақслар ўргатди, байрам дастурларини сахналаштирди, концертлар уюштирди. Зеро, 1985 йили Маннон Уйғур номидида Санъат институтининг режиссёрлик факультетини тамомлаб, цирк артистлиги, чавандозликдан ташқари байрам томошаларини сахналаштирувчи режиссёр сифатида ҳам фаолият бошлаган.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан ўтган йилнинг якунида Ўзбекистон халқ артисти, ўзбек профессионал цирк асосчиси — Карим Зариповнинг 130 йиллиги ва цирк санъати билим юрти ташкил этилганининг 90 йиллиги кенг нишонланди. Айни муносабат билан Ўзбек давлат циркида эстрада ва цирк коллежи ходимлари томонидан ташкиллаштирилган, талаба ва профессионал цирк усталари иштирокида концерт дастури бўлиб ўтди. Унда Карим Зариповнинг ҳаёт йўли театрлаштирилган сахна кўринишлари, акробатик томошалар билан ёритилди. Дорбоз, акробат, раққос, кўзбойлогич, масхарабоз, чавандозлар, ўргатилган ҳайвонлар томошаси намойиш этилди.

Муносиб давомчининг яна бир орзуси — бобосига бағишланажак фильмни кўриш. “Циркда Карим Зарипов ҳаётига бағишланган кичкина спектаклимизни томоша қилиб йилгадан одамлар фильмини кўрса, қандай тасаввурга эга бўлишини ўйлаб кўравемиз”, дея суҳбатимизни якунлади опа.

Суҳбатдан сўнг ҳам, ҳозир ҳам бизни тўлқинлантирган жумлаларини сизга илинмоқчимиз. Зеро, бу чинакам ватанпарварликнинг амалдаги ифодаси: “Америкада мени телевидение, радиога чақирди. Отлар билан ишлайдиган энг катта сулола вақили деб ниҳоятда хурмат билан қаради. Бошқа кўлбоб чет давлатлардан ҳам таклифлар бўлган. Иорданияликлар қизларимизни цирк санъати бўйича кўтариб бер, аёлларга дарс бер, деган. Лоақал 3-4 йилга, дейишган. Бироқ мен кетмайман-ку, ватанимни сотмайман-ку. Зеро, бобомда ҳам ватанпарварлик кучли бўлган. Бошидан дўпти тушмаган. Ҳеч қаерга кетмаган. Мен халқимга хизмат қилишим керак, деган. Шундай экан, мен ҳам ўлгушимча фақат халқимга хизмат қиламан”.

ЎЗБЕК ЦИРКИ БУТУН ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРИШДА ДАВОМ ЭТАДИ

Дарҳақиқат, ўзбек цирк санъати катта тарихга эга, унинг аъёнлари ўта чуқур ва пойдевори мустаҳкам. Чунончи, испан элчиси Рюи Гонсалес де Клавихо Самарқандда халқ сайилларида бошқа санъатлар қатори ниқобларда томоша кўрсатувчи масхарабозлар маҳоратидан ҳайратда қолгани рост. Ўша пайтда айиқ, эчки, маймун ва фил ўйнатиш жуда ривожланган экан. Улуғ Ўзбек алломалари Алишер Навоий, Мирзо Бобур ҳам ўз асарларида саройларда ва очик майдонларда масхарабоз, акробат ва гимнастлар, дорбозлар маҳорати ҳақида ҳикоя қилганлари ҳам чин.

Ўзбек циркчилари 1999 йилда Дубайда, Саратовда, 2000 йилда Хитойда, 2001 йилда Бельгияда бўлиб ўтган халқаро фестивалларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаган. Циркчиларимизнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ўзбек циркига хос турли номер ва аттракционлар халқаро цирк дастурларидан ўрин эгаллади.

Сўнгги йилларда чавандоз Зариповлар сулоласи, унинг невараси Улугбек Зарипов бошчилигида Германия, Австралия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Япония, Ҳиндистон каби 20 дан ортиқ давлатда бўлиб, ўзбек цирки мустақиллик даврида эришган ижодий ютуқларини жаҳон узра намойиш этмоқда.

Карима Зарипова эса ўзбек хотин-қизларига нисбатан “омига” ва “заифа” тушунчаларини йўққа чиқарган аёл, буvisи — Муборакхон ая, онаси — Ўзбекистонда биринчи кўзбойлогич аёл Холида опадек жасоратли қизларни тайёрлаб бериш йўлида сидқидилдан хизмат қилипти. Шундай экан, бу борада опага мустаҳкам ирода, куч-қувват тилаб, 20 апрель — Бутунжаҳон цирк куни билан самимий кутлаймиз.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ
Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1256.
44595 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.
“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манлиси: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (773) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳис: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА якуни — 22:30 Топширилди — 00:15